БУТУН ДУНЙЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 155 (6582)

4 АВГУСТ 1946 йил ЯКШАНБА

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бугун Бутун Иттифоқ темирйўлчиларининг сталинча куни.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ ШОНЛИ БАЙРАМИ

Халқлар йўлбошчиси ўртоқ Сталин партия ва ҳукумат раҳбарлари блан бирликда илғор темирйўлчиларни қабул қилган ва унда тарихий нутқ сўзлагандан буён 11 йил ўтди. Улуғ Сталин ўз нутқида транспорт жуда яхши ишловчи, яхши ҳаракат қилучи, жуда соз соат механизмидек конвейер бўлиши керак, деб кўрсатма берган эди. Ана шундан буён бепоён ватанимизнинг темирйўлчилари ҳар йили бу тарихий кунни байрам қиладилар.

Темирйўлчилар бу йилги байрамларини улуғвор ишларнинг Сталинча программасини — тўртинчи бешйиллик планни бажариш учун кураш байроғи остида ўтказадилар. Қудратли совет темир йўл давлатининг жўшқин қон томири бўлмиш транспортимиз ва шу жумладан унинг муҳим тармоқларидан бири — Тошкент темир йўлимизнинг ходимлари улуғ Ватан уруши йилларида ҳам, уруш тамом бўлгандан буён ўтган давр ичида ҳам партия, ҳукуматнинг ва шахсан улуғ Сталиннинг барча топшириқларини шараф блан адо этиш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Улар халқ хўжалигини тинч тараққиёт даврининг талабларига мувофиқлаштириб қайта қуриш соҳасида ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ҳам муваффақиятли адо этмоқдалар.

Тошкент темир йўлининг барча партияли ва партиясиз большевиклари, хўжалик ходимлари, инженерлари, техниклари, машинистлари, поездлар тузучилари, стрелькачилари, йўл айланиб юрувчилари, бинокорлари, транспорт заводларининг ишчилари, умуман транспортдаги касбларда бўлган ҳамма меҳнаткашлар мамлакат олдиғи ўз жавобгарликларини тўла ҳис қилиб, улуғ мамлакатимизнинг темирйўлчиларига хос ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар қайсилари Сталинча бешйилликда темир йўл транспортига қандай катта ўрин берилганлигини яхши биладилар.

Тошкент темирйўлчилари ана шунинг учун ҳам Шимолий Донец темир йўли коллективининг Сталинча бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш, янги бешйилликнинг биринчи йили — 1946 йил планини муддатидан илгари бажариш йўлида Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасини қизитиб юбориш тўғрисидаги чақиригига яқиллик блан қўшилдилар ва ўз устларига жуда катта мажбуриятлар олдилар.

Бу мажбуриятлар ҳозир амалда бажарилаётир. Масалан, Урсатьевск станциясининг ўртоқ Лопухов бошлиқ поезд тузучи комплекс бригадаси поездларни тузиш ва тарқатиш ярим йиллик планини 4 ой ичидаёқ бажарди. Бригада ўз имкониятларини тўла ҳисобга олиб чиқиб, йиллик планини 8 ойда, бешйиллик планини эса 3 ярим йилда бажариш мажбуриятини олди. Самарқанд депосининг старший машинисти коммунист ўртоқ Кряжников беш йил ичида ташиш лозим бўлган юкни уч йилда ташиб бермоқчи бўлди. Бундай илғор машинистлар, поезд тузучилар ва юк ташучилар Тошкент темир йўлида юзлаб га минглаб ҳисоблананди.

Тошкент темирйўлчилари Сталинча бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш йўлида бошланган социалистик мусобақада чиндан ҳам қувончли муваффақиятларга эришмоқдалар. Брок, темир йўлнинг ишини бутунича олганимизда, талабга сра жавоб беролмайди. Тошкент темир йўлининг ишида жуда катта камчиликлар бор. Транспорт партия ташкилотлари ва темирйўлчи коммунистлар графикка қаттиқ риоя қилиш, паровоз ва вагонларнинг оборотини ошириш, халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган муҳим юкларни тезроқ ташиш йўлида темирйўлчилар томонидан бошланган ижодий ташаббусга яхши етакчилик қилмаётирлар. Шу сабабли юк ортиш ва туширишнинг плани ой сайин бажарилмаётир. Вагонлар обороти нормалагидан кам, поездларнинг қатнов тезлиги ҳам белгиланган нормадан анча кейинда қолаётир.

Тошкент темирйўлчилари олдида турган ҳозирги энг муҳим вазифа — қиш мавсумига ўз вақтида ва пухта тайёрлик кўришдан иборатдир. Афсуски, темир йўлда қишга тайёрлик ишлари ҳам қизитиб юборилган эмас. Кўпгина командирлар, Ўрта Осиёда қиш унча қаттиқ келмайди, деган зарарли қайфиятга берилиб, бу соҳадаги тайёрлик ишларини ўз ҳолига ташлаб қўймоқдалар.

Тошкент темир йўлининг деярлик ҳамма бўлимлари, айниқса Тошкент узели йўл қўйиб бўлмайдиган даражада ёмон ишламоқда. Тошкент ҳаракат бўлими ўтган ярим йил ичида давлат юк ортиш планини фақат 94,5 процент, юк тушириш планини эса 88,9 процент бажарди. Ҳаракат бўлими сўнгги вақтларда поездлар қатновини ҳам ёмон аҳволга тушириб қўйди. Поездларнинг жадвалга мувофиқ жўнатилиши 56 процентга, поездларни кузатиш эса 37 процентга тушиб қолди. Натижада ишнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири — вагонлар обороти плани бажарилмаётир. Ташкилий ва сиёсий ишлар бўшаштириб юборилганлигидан жуда кўп машинистлар ишда бракка йўл қўймоқдалар, техника тезлиги ва паровозлар обороти нормасини бажармаётирлар.

Тошкент темир йўл узелининг хўжалик ходимлари, партия ва касаба союз ташкилотлари қишга тайёрлик кўришда ҳам эпашанглик кўрсатмоқдалар. Масалан, паровоз депосида касал паровозлар сони камайиш ўрнига, кўпайиб бораётир. Бу ҳол поездларга паровоз етказиб беришни қийинлаштирмоқда. Паровоз бўлими ва депоси улгуржи ремонт планини бажаришда кейинда қолаётир. Электр хўжалиги, сув блан та'минлаш, коммунал муассасалари — ошхоналар, умумий ётоқхоналар ва ҳаммомларни қишга тайёрлаш иши ҳам кечикиб кетаётир.

Тошкент темир йўлининг кўпчилик бўлимларида аҳвол шундай. Темир йўлимизнинг ишини шу яқин вақт ичида узил-кесил яхшилаш, ҳамма депо ва станцияларни, участка ва ишхоналарни, хуллас, барча темир йўл шоҳобчаларини 1946—47 йилги қиш мавсумига ҳар тарафлама тахт қилиб қўйиш, ёқилғи ғамлаш — транспорт партия ва касаба союз ташкилотларининг, барча хўжалик ходимларининг шарафли бурчидир.

Тошкент темир йўли Ватан уруши йилларида ўз ишига моҳир ажойиб кадрлар етказди. Унинг неча юзлаб луничи машинистлари, илғор вагончилари, эксплоатациячилари, чаққон ремонтчилари, жонкуяр поезд тузучилари ва бошқа илғор стахановчилари бор. Транспорт партия ва касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — ана шу тажрибали кадрлардан яхшироқ фойдаланиш ва транспортга янги келган мингларча ёш ишчилар ва хотин-қизларга зўр бериб ҳунар ўргатиш, уларнинг моддий-маиший шароитларини тинмай яхшилаш ва шу блан Тошкент темир йўлининг ишида умумий юксалишга эришишдан иборатдир.

Бу ерда Тошкент темир йўли коллективи олдида турган яна бир муҳим вазифани ҳам эслатиб ўтиш керак. Бу йил мамлакатга 1 миллион 160 минг тонна пахта етказиб бериш тўғрисида Ўртоқ Сталинга берилган ва'данинг устидан чиқиш учун пахтакорларга ҳар тарафлама кўмаклашиш — Тошкент темирйўлчиларининг шарафли бурчидир.

Тошкент темир йўлининг ишини чиниқтирмоқ яхшилаш учун даставвал интизомни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса транспорт механизми барча қисмларининг бир-бирига кўмаклашиб, пухта ишлашини та'мин этади. Ана шундагина Тошкент темирйўлчилари Сталинча бешйиллик план томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифани муваффақиятли бажараолурлар.

ЯНГИ ҲОСИЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистондаги пахта тайёрлаш пунктлари янги ҳосилни қабул қилиб олишга ҳозирланмоқдалар

Самарқанд область, Хатирчи районида бултур тайёрланган ҳамма пахталар заводга жўнатилди. Тайёрлаш пунктининг мудири Ўртоқ Галустьян тош-торозуларни тахт қилиб қўйди, пахта сақланадиган саройлар ремонт қилинди ва янги шийпонлар қурилди. Қизил чойхона ташкил қилинмоқда.

Республикада 50 та тайёрлаш пункти ўтган йилларда тайёрланган пахталардан тамомила бўшатилди. Эски пахталарни заводга ташиш тобора кучаймоқда. Тайёрлаш пунктларида пахтани вақтинча сақлаш учун 400 майдонча тайёрланмоқда. Пунктларнинг аппарати тажрибали кишилар блан кучайтирилмоқда. Ходимларнинг малакасини ошириш учун Тошкентда ташкил қилинган курсда 500 га яқин молшунос, ҳисобот ходимлари ва лаборантлар қайтадан тайёрлаб чиқарилди. Йигим-терим бошланганига қадар яна 200 ходим курсда ўқитилади.

(ЎзТАГ).

ПАХТАЧИЛИК ТЎҒРИСИДА КЎЧМА КЎРГАЗМА

АНДИЖОН (ЎзТАГ). Андижондаги ўлкани ўрганиш музейи пахтачилик тўғрисида кўчма кўргазма ташкил қилди. Кўргазмадаги ранг-баранг диаграмма, расм ва паннолларда пахтани парвариш қилиш жараёнлари, Ўзбекистонда ирригация қурилиши соҳасида эришилган муваффақиятлар кўрсатилган. Кўргазманинг бир бўлими Ўзбекистоннинг ўтмишини: пахтани парвариш қилишдаги эски усулларни, сув таҳ'лиллигини тасвирлайди. Унинг ёнидаги иккинчи бўлимда Совет Иттифоқининг пахта конни бўлган ҳозирги Ўзбекистон тасвирланган. Кўргазма республикада пахтачиликни ривожлантиришнинг Сталинча программасини кенг ёритади.

Кўчма кўргазмани жуда кўп тамошабинлар келиб кўрмоқда. (ЎзТАГ).

КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ

Бутун Иттифоқ физкультурачилар парадида қатнашган Ўзбекистон физкультурачиларининг вакиллари ўз юртларига қайтиб келдилар. Москвалилар уларни ҳамма ерда самимий қарши олдилар.

Бугун—4 август кечқурун «Спартак» стадионида Ўзбекистон физкультурачиларининг Москва сафаридан қайтиб келган ана шу вакиллари шарафига катта спорт байрами ўтказилади.

Байрамда Ўзбекистон физкультурачиларининг вакиллари Москва «Динамо» стадионида партия ва ҳукумат раҳбарлари, улуғ Сталин, пойтахт аҳолиси олдида кўрсатган ҳаракатларни бугун қайта намойиш қиладилар. Бундан ташқари республикамизнинг энг яхши физкультурачилари, спорт мастерлари ҳамда пионерлар саройи акробатчиларининг чиқишлари 1.500 метр масофага эрлар ва 400 метр масофага хотин-қизлар ўртасида чопиш, штанга кўтариш мусобақалари арқон тортиш, қоп кийиб чопиш, қишлоқ бокс, кураш, от чопиш ўйинлари кўрсатилади. Округ офицерлар уйи команда блан «Динамо» командалари ўртасида футбол ўйини бўлади.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилиши

Тошкент шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. Тошкент темир йўлининг бошлиғи ўртоқ Қодиров «Тошкент темир йўл узелининг ишидаги камчиликларни битириш ва узелни қишга тайёрлаш тўғрисида» доклад қилди

Республика олдида тўрган асосий вазифани, я'ни пахтачиликни янада ривожлантириш вазифасини бажаришда Тошкент темир йўли, жуда йирик Тошкент бўлими ва узелининг роли ғоят каттадир. Аммо, темир йўл ва Тошкент узели апрель ойидан бошлаб ўз ишларини жуда ёмонлаштириб юбордилар. Шуни айтиш кифояки, биринчи ярим йил ичида Тошкент бўлимида юк ортиш давлат плани 94,5 процент, юк бўшатиш плани 88,9 процент бажарилди.

Докладчи бўлим ва узелнинг ёмон ишлаши сабаблари ҳақида муфассал гапирди. Бўлим раҳбарлари бўш вагонларнинг ўз вақтида берилиши ва вагонлардан юкларнинг ўз вақтида бўшатиб олинишини суст назорат қилаётирлар, поездлар қатновини тўғри йўлга қўйишни кескин суратда ёмонлаштирдилар. Поездларнинг ярмигина жадвалга мувофиқ жўнатилади. Паровозлар ремонтда ва поезддарда кўпгина вақт бекор туриб қолдилар. Вагонлар обороти плани (бу, темир йўл ишида жуда муҳим соҳа) фақат 65 процент бажарилди. Бўлим ва узел раҳбарлари қишга яхши тайёрланмаётирлар. Тошкент товар депосининг бошлиғи ўртоқ Каданцев ва паровоз бўлимининг бошлиғи ўртоқ Дмитриев бузуқ паровозлар сонини камайтириш йўлида курашмаётирлар, яхши ремонтни уюштирмаганлар. Тошкент пассажир станциясининг ишлари, Тошкент товар станцияси ва Чирчиқ станциясидаги ишлар жуда ифлос. Тошкент товар станциясидаги бир қисм ишлар ремонт қилинмаган. Ўртоқ Бирюков бошлиқ бўлган из дистанциясида аҳвол айниқса ёмон. Бу дистанцияда ишларни ёзги ремонт плани фақат 40 процент бажарилган.

Узелнинг ёмон ишлашига олиб келган асосий сабабларнинг бири ташкилий ишларнинг жуда бўшлигидир. Ҳаракат бўлими ва паровоз хўжалигининг бошлиқлари Кутавой ва Дмитриев ўртоқлар, вагон участкасининг бошлиғи ўртоқ Фарафонов, депо ва станцияларнинг бошлиқлари темир йўл транспортида қўлланиб келган энг оддий қонун ва қоидаларни ҳам бажармаётирлар.

Кадрларни танлаш ва тарбиялашда аҳвол жуда ёмон. Ўз ишини уддалай олмаётган Тошкент товар станциясининг бошлиғи ўртоқ Латишин ўзгартириш тўғрисида бир йилдан кўпроқ вақтдан буён гап-сўз бор. Тошкент вагон депосининг бошлиғи вазифасига аввал ишини барбод қилганлиги ва давлатга қарши практикани қўллаганлиги учун Самарқанд депосида ишдан олинган Капланни кўтарганлар. 10 кундан кейин уни бу ишдан ҳам бўшатишга тўғри келди.

Бўлим ва узел партия ташкилотлари партиявий-сиёсий ишлар блан унча қизиқмай қўйдилар. Тошкент бўлимининг партия ташкилотлари бешйиллик планни бажариш юзасидан социалистик мусобақа ҳақида ЎзК(б)П Марказий Комитети чиқарган қарорни шу чоққача муҳокама қилмаганлар. Бу ерда мусобақа натижаларини ҳисобга олиб борилмайди. Шимолий Донец темир йўлидаги Долженская станциясининг коллективи юк ортиш ишларини кечаю-кундуз олиб бориш юзасидан жуда яхши ташаббус кўрсатган эди. Мамлакатнинг барча темир йўлларида кенг қўлланилаётган бу ташаббусга Тошкент бўлими ва узелида мутлақо э'тибор берилмаётир.

Бўлим ва узел партия ташкилотлари агитация-оммавий ишларни уюштирмадилар, газеталар камдан-кам баланд овоз блан ўқиб берилади, суҳбат, докладлар онда-сондагина ўтказилади, бракчилар, интизомни бузучилар ва социалистик мулкни талон-тарож қилучиларга қарши афкор омма сафарбар қилинмаган. Узел партия комитети (секретари ўртоқ Сечкарев) танқид ва ўз-ўзни танқидни кенг қизитиш учун узел корхоналарида коммунистлар ва партиясизлар очиб ташлаган камчиликларни битириш учун истойдил курашмаётир.

Тошкент бўлими ва узелининг қишга намунали равишда тайёрланишидан шаҳар партия ташкилоти, пойтахтдаги саноат корхоналари жуда манфаатдорлар. Чунки фабрика ва заводларда ишлабчиқариш программасининг бажарилиши кўп жиҳатдан транспорт ишининг яхшиланишига боғлиқдир. Ҳолбуки, хўжалик раҳбарлари темир йўл ишига кўпинча ҳалақит берадилар. Корхона директорларининг айби блан июль ойининг 25 куни ичида 640 вагонга юк ортилмай қолган. Обираҳмат кон бошқармасининг айби блан (директори ўртоқ Коробейник) фақат 23 вагонга юк ортилган. Виноградов, Низовой ва Журавлёв ўртоқлар директор бўлган заводлар вақтида юк ортмаганликлари сабабли 111 вагонга юк ортилмай қолган. Главторчермет конторасси (бошқаручиси ўртоқ Порсегов), Тошкент пахта трести (бошқаручиси ўртоқ Муродов) ва бошқа ерларда ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Буларнинг натижасида ярим йил мобайнида Тошкент бўлимида 7.200 вагонга юк ортилмаган.

Ўртоқ Қодиров активлар йиғилишида бўлим ва узелнинг ёмон ишлаётганлигини муфассал айтиб берса ҳам, аммо у ўз-ўзини танқид қилмади. Ҳолбуки, асосий бўлим ва узелнинг ёмон ишлаётганлиги учун темир йўл бошқармаси ва унинг бошлиғи бўлган ўзи асосан мас'ул эканлигини айтиши зарур эди.

Музокарада сўзга чиққан из дистанциясининг раҳбари ўртоқ Бирюков ва Тошкент пассажир депосининг раҳбари ўртоқ Ежов ба'зи ютуқлар ҳамда из дистанцияси ва депо кузги-қишки юк ташиш мавсумига яхши тайёрланади деб умумий ва'да бериш блан чекландилар.

Узел партия бюросининг секретари ўртоқ Сечкарев партия ва комсомол ташкилотларининг состави ҳамда стахановчилар, зарбдорлар, луничилар ва бошқа илғор кишиларнинг умумий сонини айтиш блан чекланди. Ўртоқ Сечкарев сўзининг охиридагина Тошкент шаҳар партия комитети секретарининг транспорт бўйича ўринбосари ўртоқ Ефимовнинг ишини танқид қилди. Ўртоқ Ефимов бўлим ва узел партия ташкилотига конкрет ёрдам бериш ўрнига кўпроқ турли ма'лумот тўплаш блан банд бўлган. ЎзК(б)П Ленин район комитети узелдаги бошланғич партия ташкилотларига тегишинча э'тибор бермаётир.

Тўқимачилик саноати министрининг ўринбосари ўртоқ Кичанов Тошкент товар станциясида министрлик адресига келган муҳим ва шошилинч юк ортилган вагонни 36 кунгача қидириб топиш мумкин бўлмаганлигини айтди. Чигит кўпинча тешик вагонларда ва очиқ вагонларда ташилади. Ҳолбуки, бунинг натижасида кўпгина чигит нобуд бўлади.

Чирчиқ химия комбинати транспорт цехининг бошлиғи ўртоқ Заикин ўзининг сўзида юк ортилган поездлар келаётганлиги тўғрисида нотўғри ма'лумот берилганлиги, ҳамда ўз вақтида хабар берилмаётганига доир қизиқ фактлар келтирди. Масалан, 27 июльда комбинат кокс ортилган поезд келаётганлиги ҳақида хабар олган. Шунга мувофиқ ишчилар тайёрлаб қўйилган. Эрталаб поезд келишидан ярим соат илгари оғир юкли составдан иборат эшелон келаётганлиги ма'лум қилинган. Комбинат 30 минут ичида бундай кўп юкни тушириб олишга тайёрлана олмаган. Натижада вагонлар бекор туриб қолган.

Музокараларда сўзга чиққан ўртоқларнинг ҳаммаси Глушченко («Подёмник» заводи), Ёқубов (Заготзерно), Алексеев (Тўқимачилик комбинати) ўртоқлар темир йўл бўлим ва узел раҳбарларини транспорт ишини бир мақомда олиб бормаётганликлари учун танқид қилдилар.

— Вагонлар беришда, — дейди тўқимачилик комбинатининг директори ўртоқ Алексеев, — штурмчилик ҳукм суради. Биз июль ойининг биринчи ўн куни ичида 13 вагон олдик, иккинчи ўн кунида 16 ва учинчи ўн кунида 31 вагон олдик. Шундай қилиб биз ойнинг учинчи ўн кунида биринчи ва иккинчи ўн кунидагига қараганда икки ярим ҳисса кўпроқ вагон олдик. Аммо, 70 вагон ўрнига бу ойда 60 вагон олдик.

Партия активининг йиғилишида ЎзК(б)П Марказий Комитети секретарининг транспорт бўйича ўринбосари ўртоқ Мунько чиқиб сўзлади. Ўртоқ Мунько айтдики, Тошкент бўлими ва узелининг раҳбарлари Йўл бошқармасининг ёмон ишини такрорлаётирлар. Бўлим ва узел бошлиқлари кўпдан-кўп кенгашлар ўтказиш, қоғозбозлик, кундалик ишлар блангина шуғулланиб, мураккаб темир йўл механизмига жонли раҳбарлик қилмаётирлар.

Ўртоқ Мунько ЎзК(б)П Тошкент шаҳар комитетининг транспортга яхши ёрдам бермаётганлигини кўрсатиб ўтди. Шаҳар партия комитети 1946 йил мобайнида бўлим ва узел ишини бирор марта ҳам муҳокама қилмаган. ЎзК(б)П Ленин район комитети (секретари ўртоқ Епифанов) транспорт иши блан мутлақо қизиқсинмаган. Йўл прокурори ўртоқ Вершков транспорт қонунини бузиб, вагонларнинг бекор туриб қолишига йўл қўйётган хўжалик ходимларига писбатан муросасозлик қилаётир.

Партия активининг йиғилиши шуни кўрсатдики, территориал партия ташкилотлари Тошкент темир йўл бўлими ва узелининг иши блан суст қизиқаётганликлари натижасида ҳамда транспорт партия ташкилотлари, даставвал узел партия бюроси ва унинг секретари ўртоқ Сечкарев партиявий-сиёсий ишлар блан унча шуғулланмай қўйганликлари орқасида, узел ишида катта хато ва камчиликлар бор. Бу хато ва камчиликлар орқасида ишлабчиқариш планлари бажарилмай қолмоқда. Партия активининг йиғилишида партиявий-сиёсий ишларнинг қай аҳволда эканлиги унча яхши ёритилмади. Ленин район партия комитетининг масалага бепарво қараганлигига актив йиғилишидагилар жуда таажжубландилар. Райком ходимлари транспорт партия ташкилотларига нима учун қонқарсиз раҳбарлик қилинаётганлигининг сабабини айтиб беришни, бу хато ва камчиликларни қандай қилиб тугатмоқчи бўлганликларини айтишни зарур кўрмадилар.

Актив йиғилиши узел ишини тубдан яхшилаш ва уни қишга намунали тайёрлашга қаратилган қарор қабул қилди.

Булғор ёшларининг делегацияси Тошкентга келди

2 августда Тошкентга булғор ёшларининг делегацияси келди. Делегацияга Булгария ишчи ёшлар союзининг секретари Никко Стефанов раҳбарлик қилмоқда. Делегация составида Булгориядаги асосий ёшлар ташкилотларининг намояндалари: ишчи ёшлар союзи органи «Младежка искра» газетасининг муҳаррири Михаил Кючуков, «Звено» ёшлар союзи София комитетининг а'зоси Николай Кукушев, деҳқон ёшлари союзи органи «Младежка знамя» газетасининг муҳаррири Дамян Дамян ва бошқалар бор. Делегация 17 кишидан иборат.

Аэродромда делегацияни ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари Ҳамидов ва Панкратов ўртоқлар, Тошкент шаҳридаги корхона, муассаса, жамоат ташкилотлари ёшларининг вакиллари ва матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Шу куни кечқурун меҳмонлар Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек опера ва балет театрида «Лайли ва Мажнун» спектаклини тамоша қилдилар.

3 августда булғор ёшлари делегацияси Сталин номли Пионерлар марказий саройида бўлиб, болалар ўртасидаги тарбия ишлари блан танишди. Меҳмонлар болалар ижодига бағишланган кўргазмани тамоша қилдилар, ёш авиамодельчилар, радиотехниклларнинг ишларини, Пионерлар саройи ҳузуридаги болаларни соғломлаштириш майдончасини кўрдилар. Делегация Қорасув районидаги XVIII партсъезд ва Вильямс номли колхозларни ҳам бориб кўрди. Меҳмонлар колхоз ёшларининг ҳаёти, турмуши ва ишлари блан танишдилар. Меҳмонларга чопон кийгизилди.

Булғор ёшларининг делегацияси Ўзбекистонда бирнеча кун бўлади. (ЎзТАГ).

МАКТАБЛАРНИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРЛАШ ОЙЛИГИ

БУХОРОДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРЛИК СУСТ

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Бухоро область мухбиридан)

Бухоро областининг мактаблари 1945-46 ўқув йилини жуда ёмон якунладилар. Ўқучиларнинг 78 процентигина мактабларга давом этди, халос. Мактаблар тўла ремонт қилинмаган, ёқилғи блан етарли та'минланмаган эдилар. Бу ҳол қаттиқ совуқларда ва ёғингарчиликда ўқишнинг мунтазам давом этмаслигига сабаб бўлди.

Бу хатоларни 1946-47 ўқув йилида такрорламаслик учун мактабларни янги ўқув йилига тўла ва ўз вақтида тайёрлаш зарур. Афсуски, шундай бўлмаётир. Хатто ўқув ишидаги болаларни рўйхатга олиш ишлари ҳали ҳам тамомланган эмас. Халқ маорифи ходимлари, қишлоқ совети ва колхоз раислари ҳамда район раҳбарларининг рўйхат ишларига э'тибор сиз қараганликлари сабабли, кўп бола рўйхатдан ўтмаган. 90 та қишлоқ советида 9 минга яқин бола рўйхатда халигача йўқ. Айниқса Бухоро шаҳрида, Қоракўл ва Карана районларида шундай бўлаётир. Бу йил ремонт қилиниши лозим бўлган 386 мактаб биносидан энди 100 таси ремонтдан чиқди. Карана районидаги 37, Каган районидаги 20 мактабдан ҳали биттаси ҳам ремонт қилинган эмас. Ремонт сифати ғоят паст. Ғиждивон район Говшин қишлоқ советидаги тўлиқсиз ўрта мактаб биносининг эшик ва терезалари синиб ётибти, пол тешилиб кетган. Мактабнинг чакка ўтадиган томлари ҳам сувалмаган. Ховли деворлар тузатилмаган. Шундай бўлсада, мактаб биноси а'ло даражада ремонт қилинди, деб мақтаниб юришинти.

Шофрикон район Қўлиҳовли қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда мактаб-мавриф ишларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Колхозлар 8 синфлик янги мактаб биноси қураётирлар. Мактабнинг эски биносини катта ремонт қилиб, ўқитучиларга ўй-жой қилиб берилди, қишга етарли миқдорда ўтин тайёрланди. Умумий-мажбурий та'лим фонди тўлиди. Болаларнинг қишки иссиқ овқатлари учун 3 тонна ғалла, ёғ, чой ва бошқа нарсалар ажратилди. Аммо бу ажойиб ташаббус областьда қўллаб-қувватланмади ва оммалаштирилмади.

Мактабларни ёқилғи блан та'минлаш жуда муҳим. Лекин район ташкилотларининг раҳбарларидан тортиб, колхоз ва қишлоқ совет раислари ҳамда мактаб-маориф ходимларигача бу ишга э'тибор бермаётирлар. Планга кўра, биринчи навбатда тайёрланиш лозим бўлган ёқилғининг 30 проценти ҳам шу кунгача тайёрлангани йўқ. Ўтин тайёрлаш Свердлов, Каган, Қизилтепа, Шофрикон районларида айниқса кечикаётир.

Ҳалқ маорифи бўлимларининг мудирлари, мактаб директорлари асбоб-ускуналар ремонтига бепарво қараётирлар. Парталарнинг 29 процентигина ремонт қилинди. Стол ва стуллар ремонти ёмон бормоқда. Вобкент районида ремонт талаб қиладиган 345 парта, 78 та ёзув тахтаси ва бошқа асбоб-ускуналардан ҳали биттаси ҳам ремонтдан чиқмаган. Каниҳих, Олот, Рометон районларида хатто қанча партанинг ремонт бўлишини ҳам билишмайди.

Областьда ўқитучилар малакасини ошириш масалалари ҳам қониқарсиз ҳолда. Сиртқи педагогика билим юртида имтиҳонлар ўтиши лозим бўлган 557 ўқитучидан фақат 375 таси ўтди. Педагогика институтида 577 ўрнига, атиги 345 ўқитучи ўқимоқда. Карана район халқ маорифи бўлимининг мудири Хайруллаев, Свердлов район халқ маорифи бўлимининг мудири Танриев ўртоқларнинг ўқитучилар малакасини оширишга мас'улиятсизлик блан қараганликлари сабабли, бу районлардан ўқишга битта ҳам ўқитучи келмади. Район ташкилотларининг раҳбарлари ўқув йилига тайёрликни халқ маорифи бўлимларининг мудирларига топшириш блан кифояланиб қўл қовуштириб ўтирибдилар. ЎзК(б)П Марказий Комитетининг қарорига асосан, ўқув йилига тайёрлик район советларининг сессияларида муҳокама қилиниши керак эди. Ҳали бунга кўп районларда тайёрлик йўқ. Шофрикон район ижроия комитети (раиси ўртоқ Сатторов) сессияда ўқув йилига тайёрлик тўғрисида халқ маорифи бўлими мудирининг докладини эшитмай ва муҳокама қилмай, фақат қарор ўқитиб қўя қолган.

Мактабларни янги ўқув йилига пухта тайёрлаш — бутун жамоатчилик ишидир. Партия, комсомол, совет ва касаба союз ташкилотлари ҳамда жамоатчилик маориф органларига кенг ёрдам бергандагина, муваффақиятга эришиш мумкин. Бухоролилар ҳудди шу соҳада оқсамоқдалар.

М. БОБОШ.

Тошкент темирйўлчилари! сталинча бешйилликни муваффақиятли бажариш сари, олға!

8 машинист мусобақаси

Шу йилнинг бошида Қўқон темир йўлининг доңгдор машинисти Филипп Яковлевич Куниннинг ташаббуси блан паровозчилар ўртасида ажойиб ҳаракат бошланди. Ўртоқ Кунин оғир юкли поездларни ҳайдаб 200 километрга яқин йўлни графиқдан ортиқ ҳар соатига 5 километр тезлик блан босиб ўтди, ёқилғи олиш муддатини 50 минутга қисқартирди, ёқилғини 10 процент тежади. Унинг паровозида Қизил Юлдуз пайдо бўлди. Бу юлдуз паровозчи бригаданинг социалистик мусобақа шартларини ошиғи блан адо этаётганлигининг белгиси эди.

Ўртоқ Кунин сафардан қайтгач, СССР Олий Советининг депутати машинист ўртоқ Михаил Михайлович Пурмуҳамедовни, Самарқанд темир йўлининг энг яхши машинисти ўртоқ Корчагинни, Урсатьевск станциясининг доңгдор машинисти ўртоқ Егоровни, арисли машинист ўртоқ Ужоговни социалистик мусобақага чақирди.

Шу кунларда тошкентли доңгдор машинист Шамсиддин Носиров Арис станциясининг илғор машинистларидан Климушкин ва Глазков ўртоқлар блан мусобақалаша бошлади. Бу энг яхши 8 машинист ўртасида социалистик мусобақа шартномалари тузилди.

Бугун темирйўлчилар қошида бу энг илғор 8 машинист ўртасидаги социалистик мусобақа натижалари якунланмоқда.

Фақат машинист ўртоқ Глазкович олсак, у июль ойида ҳар соатдаги техника тезлигини 6,0 километрга етказган, ҳар куни графиқдан ортиқ 120 километр йўл босиб ўтган, паровоз оборотини тезлаштирган, 5.896 килограмм ёқилғи тежаган, браксиз ишлаган, 11 марта қилган сафарида паровозига Қизил Юлдуз белгисин тақишга муваффақ бўлган.

Машинист ўртоқ Корчагин ҳам 6.160 килограмм ёқилғи тежаган, бошқа ҳамма кўрсаткичларни олганда нормани ошириб адо этган.

Шамсиддин Носиров, Ужогов ва бошқа машинистлар ҳам ана шундай намунали ишлаганлар.

Бу ажойиб ташаббус Тошкент темир йўлида тобора оммалашаётир. Унинг моҳияти ҳам ана шунда.

Ўтган йилда Тошкент темир йўлининг паровозчилари 1.923 тонна ёқилғини ортиқча сарфлаган эдилар. Бу йил февраль ойидан бошлаб ёқилғи тежала бошланди. 1 майгача 3.282 тонна ёқилғи тежалди. Июль ойинигина олганимизда Тошкент темир йўлининг паровозчилари ёқилғини нормага қараганда 1.239 тонна кам сарфладилар. Чунки, илғор 8 машинистнинг тажрибаси темир йўлда кенг ёйилиб кетди, оммавий ҳаракат тусини олди. Луганчилар ҳаракати даставвал Қўқон темир йўл бўлимининг паровозчилари ўртасида ёйилган бўлса, кейинроқ темир йўлнинг ҳамма бўлимларида оммавий тус олди.

Ҳозир Тошкент темир йўлида луганчи машинистлар сони 361 кишига етди. Улар июль ойида 1.121 марта Қизил Юлдуз белгиси тақиб сафарга чиқишига муваффақ бўлилар. Тошкент темир йўлидаги энг илғор 8 машинист ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг энг яхши самаралари бу тажрибаларнинг оммалашиб кетишида ва унинг кучли бир ҳаракатга айланишидадир.

Биз уларнинг ишида янада янги муваффақиятлар тилаймиз.

Р. АБДУЛҲАЙ.



Тошкент пассажир станциясининг ўртоқ Одил Ҳодиев бошлиқ паровоз бригадаси жуда яхши ишлаб келмоқда. Бригада техника тезлиги, ҳар кеча-кундузги қатнаш планларини ой сайин ошириб бажаради, июль ойида у 8,5 тонна ёқилғини тежади. Суратда (ўнгдан): машинист О. Ҳодиев, кочегар З. Нуриддинов, машинист ёрдамчиси В. Старков ва машинист Н. Фетисов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

Қизил байроқли бригадада

Ҳашаматли бино ичидан турли марказдаги паровозлар бирин-кетин чиқиб келаётир. Қувватли «ФД» паровозининг чиқиришидан ҳосил бўлган садо қулоқларни йирткудек бўлиб жараңглади. Энгигина ремонтдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилган паровозлар тайёр локомотивлар олиб келиб қўйилдиган йўлда тизилиб турипти.

— Бугунги ремонтни 4 соат илгари бажардик, дейди слесарь Муҳаммедов.

Уста слесарьнинг бу гаплари Ходимат Жамоловни матрурлантирмади.

— Топшириқ фақат нормани бажаришдангина иборат эмас. Техникмиз давлат планидан ташқари мамлакатга жуда кўп паровозлар етказиб бериши керак. Биз ремонт қилиб берган машиналар халқ хўжалигимизни янада тезроқ ривожлантирсин ва сталинча бешйилликни муддатдан илгари бажаришга ёрдам берсин.

— Тўғри, биз меҳнатдан қайтадиган кишилар эмасмиз дейди,—паровознинг тупукасини ремонт қилаётган слесарь Афзалов.

Тошкентдаги Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводида коммунист Жамолов мастер бўлган слесарьлар бўлинмаси ана шундай фидойилик блан меҳнат қилаётир. Жамолов Улуғ Ватан уруши кунларида қисқа вақт ичида малакали слесарь бўлиб етишди. У 8-нчи разряд олганда, бригада а'золари Жамоловни ўзларининг командирлари қилиб кўтардилар.

Мана ҳозир ўртоқ Жамоловнинг бўлинмаси тилларда достон. Бригада бирон ой ҳам планини бажармасдан қолмайди. Паровозчилар Тошкент темир йўли ҳам ўртоқ Сталин айтганидек соат механизмидек соз ва пухта ишласин деб паровозларни пландан ошириб ремонт қилиб бермоқдалар.

Завод дирекцияси Жамолов бригадасини бирнеча бор мукофотлади. Завод кўчма қизил байроғи ҳам ана шу бригаданинг қўлида. Жўнкуяр бригадир Жамолов эса, СССР Йўллар Министрлигининг «Социалистик мусобақа а'лочиси» значоги блан мукофотланди.

Р. ДАМИНОВ.

Моҳир стрелкачилар

Эзнинг иссиқ кунлари. Тошкент товар станциясининг стрелкачилари эса, ўзаро мусобақа боғлашиб, қишга қизғин тайёрлик кўрмоқдалар.

5, 6 ва 7-нчи постларнинг стрелкачилари ўз стрелкаларини темирйўлчилар байрамигача қишқи шароитда ишлаш учун тахт қилиб қўйдилар.

Ана, 7-нчи стрелка пости. Стрелка будкаси узоқлардан яркираб турипти. У ихлос блан бўялган, ойналари озода. Будканинг ичи ҳам ёр тушса ялагудек озода. Мойли бўёқ блан деворлар ва шиплар ҳам бўялган. Будка қишга шундай ихлос блан тайёрланганки, унинг эгалари ўз ишларига нечоғлик муҳаббат қўйганликлари кўзга яққол ташланиб туради.

Улар кичик стрелкачи Шаповалова ва Пивчук ўртоқларидир. Улар ўзлари ташаббус кўрсатиб, оҳак келтирганлар ва будкадаги печкани бўлганлар, ташқаридаги деворларни оқлаганлар, ҳаммаёқни ювганлар. Бу постдаги стрелка хўжалигининг ҳамма «икир-чикир»лари тахт қилинган. Ҳарбир стрелкачи навбатчилик қилиб бўлгандан кейин ўз қўл остидаги стрелкани тозалайди. Ана шунинг учун ҳам бу постдаги стрелкачилар ишда сра браккa йўл қўймайдилар.

Старший стрелкачи ўртоқ Еримбетова ўз иш жойига айниқса диққат блан қарайди. У стахановча ишлаш блангина қолмай, ўз стрелкасини озода ва бешкаст сақлайди. Будкани ялтиратиб ювади, ўз постининг ён атрофларини шипирали ва будка атрофига ўтказилган гулларни ҳам муҳаббат блан парвариш қилади.

Л. КОВАЛЬЧУК.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МИНБАРИ

СТАЛИНЧА ВАХТАДА

Урсатьевск станциясида темирйўлчилар куни арафасида стахановчи машинист ўртоқ Шокиров уч марта сафарга чиқиб, ҳаракат тезлигини оширди, ёқилғини тежади ва паровозини қизил юлдузли паровозлар қаторига қўшди.

Мискар Исмаева сталинча вахтада туриб, ойлик топшириқни 412 процент адо этди.

Слесарьлардан Плясов, Казаев, Сушин ўртоқлар 3 ярим, 4 норма бажараётирлар.

А. СПИРИДОНОВА.

Урсатьевск ҳаракат бўлими кадрлар бўлимининг бошлиғи.

ҚЎҚОН БЎЛИМИНИНГ ИЛҒОР СТАХАНОВЧИЛАРИ

Қўқон темирйўлчилари бригадалар ўртасида ва якка тартибда тузилган социалистик мусобақа шартномаларини шараф блан бажармоқдалар. Юк ташучи ўртоқ Абдималиков, стрелкачи ўртоқ Нурматов, машинист ёрдамчиси ўртоқ Абдуллаев, кочегар ўртоқ Турдибоевлар июль ойида социалистик мусобақада биринчи ўринни эгалладилар. Улар ҳар куни бир ярим-икки норма адо этаётирлар.

П. ФЕДОРОВ.

Қўқон паровоз бўлимининг бошлиғи.

6 ОЙДА ИККИ ЙИЛЛИК НОРМА

Тошкент товар станцияси депосининг стахановчи металл рандаловчиси ўртоқ Носирбоев сталинча янги бешйиллик шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўзининг бешйиллик нормасини 2 ярим йилда адо этиш мажбуриятини олган эди. Ўртоқ Носирбоев ўз ва'дасига вафо қилиб, ҳозирданоқ 2 йиллик нормасини бажариб қўйди.

Ўртоқ Носирбоев ҳар куни 4—5 кишининг ишини қилаётир.

БЕШЙИЛЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИШ УЧУН!

Андижон депосидаги ишчилар коллективи ўз бешйиллик планларини тўрт йилда бажариш учун курашаётирлар. Комплекс бригаданинг слесарьлари Жўрабоев ва Бўрибоев ўртоқлар, мискар ўртоқ Қосимов ўзаро мусобақалашиб, ҳар куни бир ярим-икки норма адо этаётир.

Машинист ўртоқ Тоғаев ўз бешйиллик планини тўрт йилда адо этиш мажбуриятини олиб, тобора яхшироқ ишламоқда. У июль ойида ёқилғини 10 процент тежади.

С. ВОЛЧОЕК.

Андижон депосининг бошлиғи.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ МЕҲНАТИ

Андижон темирйўл бўлимида темирйўлчи ўртоқ Коржевский сталинча янги бешйиллик шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнат унумини қандай қилиб кўтариш устида бош қотира бошлади. У кастиль-мих тайёрловчи станок кашф қилди. Бу станок темирчининг меҳнат унумини 1.000 процент оширди.

Поездлар тузучи ўртоқ Зоркин жадал метод блан поездлар тузиб, нормани ошириб блан адо этмоқда. У август ойида жадал метод блан 80 поезд тузиш мажбуриятини олди.

М. МЕХАЭЛЯН.

Андижон узели партия комитетининг секретари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ КОНТРОЛИ МИНИСТРЛИГИДА

Ўзбекистон ССР Давлат контроли министрлиги бирқанча ташкилот ва корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текширди кўрди. Текшириш вақтида маблағларни ва моддий бойликларни қонунга хилоф равишда сарфлаш, ўғирлаш ва маҳсулотни талон-тарож қилиш фактлари аниқланди.

I.

Республика қўғирчоқ театрининг директори Р. Л. Ананьева ва театр бош бухгалтери Е. Е. Ростовская гастрольга чиқучи татар бригадаларининг фаолиятини назорат қилиб турмаганлар, гастрольнинг якунлари тўғрисида уларнинг ма'мурларидан ўз вақтида ҳисобот талаб қилмаганлар, топширилган ҳисоботларни эса, диққат блан текширмаганлар.

Театр ма'мури И. А. Белостоцкая Хоразм областига гастрольга борилганлиги тўғрисида қайтиб келганидан кейин икки ой ўтгач топширган ҳисоботида фақат олти концертдан тушган маблағни кўрсатган. Ананьева блан Ростовская эса, бригаданинг пима учун кам концерт берганлигини аниқламасдан ва текшириб кўрмасдан Белостоцкаянинг ҳисоботини қабул қилганлар. Ҳақиқатда эса, бригада 21 марта пулик концерт берган. Белостоцкая ўз ҳисоботида ўнбеш концертни кўрсатмаган, бу концертлардан тушган 25.500 сўм пулни театр кассасига топширмаган.

Белостоцкая 1945 йилда Урганч шаҳрида берилган 4 концерт ва 1 спектакль ҳамда Тошкент областининг Мирзачўл ва Пискент районларидаги колхозларда берилган 8 концертдан тушган 17.840 сўм пулни ҳам ўз ҳисоботларида кўрсатмаган ва театрга топширмаган.

Белостоцкая 1946 йилнинг апрель-май ойларида Самарқанд областида берилган тамошалар тўғрисида топширган ҳисоботида концертлардан 20 минг сўм пул тушганлигини кўрсатади, ҳақиқатда эса, бу концертлардан 29.200 сўм пул тушган.

Шундай йўллар блан Белостоцкая ўз ҳисоботларида 52.540 сўм пулни яширган ва театр кассасига топширмаган.

ЎзССР Давлат контроли министрининг буйруғига биноан, республика қўғирчоқ театрининг ма'мури И. А. Белостоцкая вазифасидан четлатилди ва суд мас'улиятига тортилди. Театр директори Р. Л. Ананьева блан бош бухгалтер Е. Е. Ростовскаяга қаттиқ виговор э'лон қилинди.

II.

Андижон область, Ленинск шаҳридаги область колхоз — совхоз театрининг собиқ директори Л. Ҳамидов 1945 йилнинг июль ойида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари бошқармасининг театрларини буюмлар блан та'миновчи идорасидан театр учун 600 метр газлама, 1350 дециметр кўн ва бошқа моллар олиб, уларнинг бир қисмини Тошкент бозорига чиқариб сотган ва тушган пулларни талон-тарож қилган, моллларнинг қолган қисмини театрга топширмаган.

1945 йилнинг апрель ойида Ҳамидов Ленинск шаҳар савдо бўлимидан 18.731 сўмлик 47 та шойи қўйлак ва 13 та атлас кўйлак олмоқчи бўлиб, бу тўғрида ҳужжатларни расмийлаштирган. Шаҳар савдо бўлими Ҳамидов блан келишиб, унга тайёр кўйлаклар ўрнига, 235 метр шойи ва 65 метр атлас берган. Ҳамидов шу 300 метр газламадан 59,5 метрини театр кийимлари тикдириш учун сарфлаган, 115,5 метрини қонунга хилоф равишда театр ходимлари ўртасида тақсимлаган, 23,5 метрини ўзи олган. Қолган 125 метр газламанинг қаерга сарфланганлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат топширмаган.

Ҳамидов ходимларнинг иш ҳақини ошириш ва штатдан ташқари ходимлар сақлаш йўли блан 36.326 сўм пулни қонунга хилоф равишда сарфлаган.

ЎзССР Давлат контроли министрининг буйруғи блан Л. Ҳамидов суд жавобгарлигига тортилди.

III.

Республика уйғур музика-драма театрининг директори А. Обидов штатдан ташқари ходимлар сақлаш, иш ҳақларини ошириш ва кишиларни ғайри-қонуний суратда ўриндошлик йўли блан ишлаганлиги учун уларга ҳақ тўлаш йўли блан қонунга хилоф суратда 29.182 сўм 80 тийин ва шаҳар ичида извошга тушиб юрганлиги учун 7 минг 104 сўм пулни сарфлаган.

Обидов театр учун зарур бўлган буюмларни доимо бозордан хусусий кишилардан юқори баҳода олиб, уларни ўзи ёзган актлар ва ҳеч ким тасдиқламаган счётлар блан расмийлаштирган, счётларда мол сотган кишининг паспорт номери, фамилияси, адреси ва бошқалар кўрсатилмаган. Обидов шу йўл блан 1945 йил мобайнида ва 1946 йилнинг биринчи кварталида 71 минг 851 сўмни сарфлаган.

Театр бош бухгалтери Э. Муслядинова, бош ва старший бухгалтерларнинг ҳуқуқ ва вазифалари тўғрисида ҳукуматнинг қарори бўлишига қарамай, бу ҳужжатларни сра текширмасдан қабул қила берган. Бунлан ташқари, Муслядинованинг ўзи грим цехининг мудири вазифаси бўйича қонунга хилоф равишда 2.100 сўм олган, ҳақиқатда эса, Муслядинова бу вазифани ўтамаган.

ЎзССР Давлат контроли министрининг буйруғи блан республика уйғур музика-драма театрининг директори Обидовга қаттиқ виговор э'лон қилинди. Обидовдан 2 минг 700 сўм пул ундириб олинади. Театр бош бухгалтери Э. Муслядиновага виговор э'лон қилинди ва ундан 1 минг 500 сўм пул ундириб олинади.

IV.

Андижондаги ўзбек ёш тамошабинлар театрининг директори Б. Хизирова театрдан ҳисобини топшириш шарти блан анчагина пул олган. Шундан 3 минг 700 сўмга бошқа кишилар номидан ўзи ёзиб қўйган қалбаки ҳужжатлар топширган, 3 минг 915 сўм 62 тийинга эса, ҳеч қандай ҳужжат ва ҳисобот топширмаган.

Хизирова 1945 йил октябрь ойида театр учун ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари бошқармасининг театрларни буюмлар блан та'миновчи идорасидан кўпгина мололиб, шундан 40 метр шойи ва газламани 50 лоша совун, 10 жуфт трикотаж кийим ва бошқа бирқанча (жам'и 1 минг 343 сўм 71 тийинлик) молни театрга топширмасдан талон-тарож қилиб юборган. Хизированинг буйруғига биноан 37,5 метр газлама қалбаки ҳужжат блан театр омборидан олиниб, турли кишиларга берилган.

ЎзССР Давлат контроли министрининг буйруғига биноан Андижондаги Ўзбек ёш тамошабинлар театрининг директори Б. Хизирова вазифасидан четлатилди. Унинг тўғрисидаги материаллар терган ва жавобгарликка тортиш учун область прокурорига топширилди.

V.

Андижон область рус драма театрининг собиқ директори А. А. Ярский уч кишига ишлаган ишлари ҳисобига 37,5 метр шойи берган. Ярский бу шойини декорация мақсадларига ишлатилди деб расмийлаштирган. Шу сабабдан ҳалиги кишилар блан қат'ий ҳисоб-китоб вақтида улардан шойининг баҳоси я'ни 3 минг 169 сўм пул ушлаб қолинмаган.

Театр директори Л. Р. Гиспин ва бош бухгалтери В. И. Резникова қонунга хилоф суратда бирқанча ҳаражатларга йўл қўйганлар. Улар ҳисобот тузиб берганлиги учун турли шаҳсларга сметадан ташқари 2 минг 850 сўм тўлаганлар, шундан 750 сўмини Резникова олган. 1946 йил учун смета тузиб берган планчига 2500 сўм тўланган, Гиспининг ўзи ўринбосарлик қилгани учун унга қонунга хилоф суратда 600 сўм тўланган.

Гиспин блан Резникова сотилмаган ва шаҳар молия бўлимида рўйхатга олинган 833 та театр билетини мавжуд тартибга мувофиқ молия идораларига топшириш ўрнига, ўзлари бекор қилиб ҳисобдан ўчириб ташлаганлар, ва бу тўғрида ёзилган актда билетларнинг нархи, умумий баҳоси ва улар кимлар қўлида эканлигини кўрсатмаганлар.

ЎзССР Давлат контроли министри Андижон область рус драма театрининг директори Л. Р. Гиспинга виговор э'лон қилди, бош бухгалтер В. И. Резниковага танбиҳ берди. Л. Р. Гиспидан 2700 сўм, В. И. Резниковадан 1 минг сўм, театрнинг собиқ директори А. А. Ярскийдан 3 минг 169 сўм ундириб олинади.

VI.

7-нчи вино заводининг директори П. Н. Лапин, заводнинг бош инженери Р. П. Альтман ва бош бухгалтер П. П. Касьянов ароқ ишлаб чиқариш, спиртни сарфлаш нормаларига риоя этишни тегишинча назорат қилиб турмаганлар ва ароқ-спиртнинг кўплаб талон-тарож қилинишига йўл қўйганлар.

Заводда ароқ ишириш учун сарфланган спиртни стандартга кўра, 40 даражали ароқ ҳисобидан ёзганлар. Ҳақиқатда эса, ароқнинг қуввати кўп ҳолларда стандартдан паст бўлган. Шунинг натижасида, завод 1945 йилда 3.478 литр спиртни ҳисобдан ортиқча ўчириб ташлаган.

Заводда спиртни сарфлаш нормаси ўзбошимчалик блан 0,5 процент оширилган. Шунинг натижасида, 1946 йилнинг январь-апрель ойларида спирт «тежалди» деб кўрсатилган, ҳақиқатда эса 2.103 литр спирт ортиқча сарфланган.

Завод раҳбарлари спиртни ана шундай қалбаки суратда тежаш йўли блан ароқ ва спиртни доимий талон-тарож қилиб келганлар, ароқ ва спиртни ҳисобсиз-китобсиз ва ҳақ олмасдан тўғридан-тўғри цехдан ҳар хил кишиларга берасерганлар. Ҳар хил ишлар ва юмушлар учун ароқ ва спирт блан ҳақ тўланган, ёрдам берилган, кишиларни рағбатлантириш учун ароқ ва спирт берилган. Ароқ цехида топилган ҳар хил ҳатларга кўра, 1946 йилнинг март-май ойларида 2.933 литр ароқ ва 85,5 литр спирт бериб юборилганлиги аниқланди, бунинг кўп қисми Альтман томонидан ёзилган ҳатлар бўйича берилган, қолган қисми Лапиннинг ва завод директори ўринбосари А. Я. Руссаковнинг буйруғи блан берилган.

Лапин, Альтман ва Касьянов юк ташиш, идиш тайёрлаш ва бошқа тадбирлар учун белгиланган махсус фондаги ароқнинг тўғри сарфланиши устидан назорат қилиб турмоғаплар.

Лапин, Руссакова ва Касьяновлар смета—штат интизомини қўпол суратда бузиб, штатдан ташқари ходимлар сақлаш учун талайгина пулни қонунга хилоф суратда сарфлаганлар.

ЎзССР Давлат контроли министри 7-нчи вино заводининг бош инженери Р. П. Альтманни вазифасидан четлатди. Ундан 3.600 сўм пул ундириб олинади. Завод директори П. Н. Лапинга ва бош бухгалтер П. П. Касьяновга қаттиқ виговор э'лон қилинди. Шу блан бирга П. П. Лапиндан 3.060 сўм, А. Я. Руссаковадан 2 минг 700 сўм ва П. П. Касьяновдан 2 минг 250 сўм пул ундириб олинади.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛИ ИШИНИ ЎЗИЛ-КЕСИЛ ЯХШИЛАЙМИЗ

Бу йил Бутун Иттифоқ темирйўлчилар куни янги бешйиллик плани — СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш планини бажариш учун кураш белгиси остида байрам қилинади.

Транспорт ходимлари ан'ана бўлиб қолган бу байрамда ўз ишларига якун ясайдилар ва партия ҳамда ҳукуматнинг юк ташиш ва темир йўл хўжалигини, яқинлашиб қолган қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан берган топшириқларини шараф блан бажариш учун ўз зиммаларига янгидан-янги социалистик мажбуриятлар оладилар.

Шимолий Донец темир йўли коллективи шу йил май ойининг охирларида мамлакатимиздаги барча темирйўлчиларга сталинча бешйиллик плани тўла ва ошириб бажариш учун, янги бешйиллик нинг биринчи йили — 1946 йил планини муддатидан илгари бажариш учун Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасини қизитиб юборишга чақириб, мурожаат қилган эдилар.

Тошкент темир йўлининг мингларча ходимлари бу чақириққа жон-дилдан қўшилдилар. Урсатьевск бўлими паровоз депосининг электр блан пайванд қилучиси Кузьмин ва газ блан пайванд қилучиси Гончарук ўртоқлар ҳар куни 4—5 норма ишлаб, ўзларининг бешйиллик топшириқларини бир ярим йилда бажариш, токарь Ахмедов ва қозончи Ертулев ўртоқлар эса, икки йилда бажариш мажбуриятини олдилар.

Газ блан пайванд қилучи ўртоқ Гончарук июль ойининг ўнбеш куни ичида икки ойлик ишлабчиқариш планини, токарь ўртоқ Ахмедов эса, июль ойи программасини ярим ойда бажарди.

Самарқанд вагон депосининг темирчиси ўртоқ Доронин ўзининг болғачиси ўртоқ Федоров блан бирга ишлаб, 6 ой ичида икки йиллик нормани, токарь Ангилина Балакшина эса бир ярим йиллик нормани бажарди.

Ленинобод станциясининг поезд тузучиси ўртоқ Тошматов ишлабчиқариш топшириғини ой сайин ошириб бажармоқда. Ўртоқ Тошматов ўзининг бешйиллик планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олиб, июль ойининг 20 куни ичида 978 вагон соатини тежади ва поездларни тарқатишни 3 соат тезлаштирди. Шу станциянинг юк ташучиларидан Саровли ва Недебешкиналар вагонларнинг юк кўтариш қувватидан тўла фойдаланиб, май ойида техника нормасидан ташқари 600 тонна, июль ойида 850 тонна, июльнинг 20 куни ичида эса, 925 тонна юк ортдилар.

Темирйўлчилар орасида касбдошлар мусобақаси кенг қизиб бораётир. Бу ажойиб мусобақа натижасида шундай ҳаракат вужудга келмоқдаки, у Тошкент темир йўлидаги барча звеноларнинг ишини яхшилашга ёрдам бераётир.

Қўқон депосининг старший машинисти ўртоқ Кунин ташаббуси блан паровозчилар орасида қизил юлдузли локомотивларнинг қатори ўсмоқда.

Кўпгина станцияларда поезларни жадаллик блан тузиш методи муваффақият блан қўлланилмоқда. Бу метод поезларнинг қатновини тезлаштиришга ва вагонларнинг бекор туришини камайтиришга ёрдам бераётир. Поезларни жадаллик блан тузиш усули ҳаракат ходимлари блан вагончилар ҳамда паровозчилар орасида аҳллик блан ишлаш тажрибасини бойитади ва такомиллаштиради.

Йўл ишчилари орасида эса, қозонлилар ҳаракати кенгаймоқда. Йўлларни айланиб юручилар ўзларига тегишли участкаларни эҳтиётлик блан қўриқлашдан ташқари, бригадаларга уюшмоқдалар ва навбатчилик қилмайдиган кунларда изларни жорий ремонтдан чиқараётирлар. Улар бу ишга ўз оила а'золарини ҳам жалб этмоқдалар.

Ҳозир Тошкент темир йўлининг олдида турган барча вазифалар орасида қишга пухта ва ўз вақтида ҳар тарафлама тайёрлик кўриш асосий ўрин тутади. Тошкент темир йўлининг илғор кишилари бу муҳим вазифани ҳал қилишга киришганларида, уни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйдилар.

Тошкент ёқилғи омборининг коллективи ўз корхонасини қишга тайёрлаш учун мавсумда иш вақтидан ташқари 16 соатдан ишлаб беришга қарор қилди. Стрелкачи ўртоқ Боротова ўз стрелка будкасини ҳозирдаёқ ялтираб ремонтдан чиқарди.

Тошкент темир йўли ходимларининг бир-бирларига ўзаро социалистик ёрдам бераётганликларини ҳам қишга муваффақиятли тайёрлик кўришда энг қимматли ташаббус ва бу соҳада қўйилган жиддий қадам деб ҳисоблаш керак.

Тошкент пассажир бўлимининг кондукторлари сафарга чиқмайдиган бўш вақтларида бригадаларга уюшиб йўлни қишга тайёрлашда зўр ғайрат блан ёрдам берадилар. Қўқон бўлимининг поездларни тузадиган коллективи ўз кучи блан бир паровозни кўтариб ремонт қилишга киришди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Аммо биз Тошкент темир йўлидаги ба'зи илғор кишиларнинг муваффақиятлари блан хотиржам бўлиб қололмаймиз. Тошкент темир йўли бутунича олганда мутлақо қониқарсиз ишламоқда. Юк ортиш ва юк тушириш плани, айниқса муҳим юкларни ортиш ва тушириш плани бажарилмаётир. Поездларнинг қатнов тезлиги эса, белгиланган нормалардан кейинда қолаётир.

Қишга тайёрлик ишлари ҳам жуда суст бормоқда. Ба'зи ишлабчиқариш корхоналарини Ўрта Осиёда ҳам қиш мавсуми катта қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини англамасдан, уни ҳартарафлама шайланиб қутиб олишга беғамлик блан қараш каби зарарли хотиржамлик кўрсатмоқдалар. Бунга ортиқ йўл қўйиш мумкин эмас.

Тошкент темир йўлининг коллективи темир йўл транспорти қишини ўзининг барча кучларини йўлимизнинг ишини тезроқ яхшилаш, станциялар, деполар, йўл дистанциялари ва вагон участкаларининг ишидаги камчиликларни тугатиш, йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги нуқсонларни бартараф қилиш ва ҳамжиҳатлик блан ҳарбийларча интизом сақлаб ишлаш учун сафарбар қилиш белгиси остида ўтказажак.

Тошкент темир йўлининг коллективи барча совет темирйўлчилари блан бирга ликда янада зўр ғайрат блан ишлаб, партия ва ҳукуматнинг юк ташиш юзасидан берган барча топшириқларини ошириб бажаради ва қишни ҳартарафлама шайланиб қутиб олади.

А. ҚОДИРОВ.

Ҳаракат директор полковниги, Тошкент темир йўлининг бошлиғи.

НЮРНБЕРГДА АСОСИЙ НЕМИС ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРИ УСТИДАН СУД

СССР Бош қораловчиси ўртоқ Р. А. РУДЕНКОнинг охирги сўзи *)

Поляк халқининг жаллоди бўлган Франкнинг жиноий фаолияти натижасида миллионлаб кишн ҳалок бўлди.

Франк штатцлартенфюрерларнинг 1943 йил 18 мартда чақирилган кенгашида ўзининг Польшада ўрнатган қонли тартибини та'рифлаб, «сизлар давлат органларининг қандай ишлаётганлигини кўриб турибсиз, улар ҳеч нарса олдида тўхтаб турмайдилар ва одамларни таб гортмай отиб ташламоқдалар», деди.

НСДАП сиёсий раҳбарларининг 1944 йил 15 январьда бўлган мажлисида сўзлаган нутқида Франк «мен ўлдирилган битта немис учун бир юзча поляклнинг отиб ташланажагини айтишдан ҳам тортинмадим» деган эди.

Франк ҳозир Гитлер ва Гиммлер блан қандайдир «асосий масалаларда келиша олмаганлиги» ҳақида сулни ишонтиришга уринади. Ҳолбуки, Франк 1944 йил 18 мартда Рейсгофда сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Агар мен фюрернинг олдига келиб, унга: фюрерим, мен яна 150.000 поляки ўлдирдим десам, у «агар бу зарур экан, жуда яхши қилибсиз» деяр эди.

Франкнинг Польшада бўлган вақтида дастлабки ойларда айтган сўзлари одамларни изчиллик ва шафқатсизлик блан кўплаб ўлдириш программасининг ўзгинаси эди.

Франк, башарти урушда ғалаба қозонилмаса, Польшада қилган жиноятлари учун, фашистлар фитнасида қатнашганлиги учун жавоб беражагини яхши тушинар эди, албатта.

Франк бу тўғрида 1943 йилда бўлган мажлисда гапирган эди. Франк юрист бўлганлиги сабабли жиноий фитнанинг ма'носини бу суддаги ба'зи адвокатларга кўра анча тўғрироқ тушинган ва ифода қилган. Бу суддаги ба'зи адвокатлар эса, эскириб қолган тушунчаларга асосланиб, фитна тўғрисдаги айбларнинг асосли эканлигига шубҳа биллирмоқчилар.

1943 йил 25 январьда полиция блан биргаликда ўтказилган ана шу ҳукумат мажлисида ўша вақтдаги генерал-губернатор «Гиммлернинг ёдор бўрилари» га бундай деган:

«...Мен бир парсани уқдириб ўтмоқчиман: биз 17.000 кишининг отиб ташланганлигини эшитганимизда, хиссиётга берилмаслигимиз керак. Бу отилган кишилар ҳам уруш қурбонларидир. Ҳозир шуни эсга олайликки, биз, бу ерда тўпланган кишилар ҳаммамиз Рузвельт жанобларининг жиноятчилар рўйхатига ёзилганмиз. Мен бу рўйхатда биринчи ўринга ёзилиш шарафига муяссар бўлибман. **Деман биз жаҳон тарихи миқ'ёсидаги шериклар бўлиб қолдик.** Худди шунинг учун биз биргалашиб ҳаракат қилишимиз ва умумий ғояларни ёқлашимиз керак. Агар биз иш усуллари тўғрисидаги низо'ларга доир гапларни ошкора қилсак, бу кулгули бир нарса бўлур эди».

Одамларни ўлдиришга да'ват қилган бу чақириқ «полиция блан бўлган жуда кўп баҳслар» тўғрисида бу ерда Франкнинг ҳимоячиси гапирган сўзлардан жуда узоқдир.

Айбдор бир парсада янглишибди — у ўзининг қора курсиларги ўрнини нотўғри белгилаган. Лекин у асосий масалада янглишмади. «Жаҳон тарихи миқ'ёсидаги» жиноятчи Франк қора курсига ўтирди

ФРИК

Германияда гитлерчилар ҳаракатининг ривожланиш тарихи ва гитлерчиларнинг жуда кўп жиноятлари айбдор Вильгельм Фрикнинг номи блан чамбарчас боғланган.

Фрик гитлерчилар ҳукуматининг ички ишлар министри сифатида Германияда демократияни йўқ этиш, черкавни та'қиб қилиш, яҳудийларни таҳқир этиш ва шу каби чоралар йўлидаги жуда кўп қонун, фармон ва бошқа буйруқларни чиқаришда қатнашган.

Айбдор Фрик ана шу ролини ўтаб, Германияда гитлерчиларнинг тоталь давлатини тузишга фаол ёрдам берган.

Мшъум номи блан танилган герман давлат маҳфий полициясн (гестапо) биринчи йил мобайнида айбдор Фрикнинг раҳбарлигида ишлаган.

Руҳий касалланганларни ва қариялар-ни ўлдириш тўғрисида 1940 йилда буйруқ чиқарган киши ҳам худди айбдор Фрикнинг ўзи эди.

Судда гувоҳ Гизевиус айтиб бергандек, Фрик гитлерчилар Германиясининг ички ишлар министри сифатида учинчи империяда жуда кўп қамоқ лагерьлари бўлганлигидан ва уларда ёвойи тартиблар ҳукм сурганидан тамомила хабардор бўлган.

Гитлерчилар ҳукуматининг агрессив планларини тайёрлашда ва бу планларни амалга оширишда айбдор Фрик анчагина роль ўйнаган. У империяни мудофаа қилуви министрлар кенгашининг а'зоси ва ма'мурият масалалари юзасидан бош вакил эди.

Гитлерчи фитначилар ўзлари босиб олган ерларнинг Германияга қўшилишини қонуний тусга киритган барча ҳужжатлар, бошқа гитлерчи бошлиқлар блан бир қаторда айбдор Фрик томонидан ҳам имзоланган.

Айбдор Фрик Богемия ва Моравиянинг протектори бўлганлиги туфайли бу территорияда гитлерчилар томонидан қилинган барча жиноятлар учун шахсан жавобгардир.

Айбдор Фрик раҳбарлигидаги ички ишлар министрлиги, гитлерчилар Германиясн Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилганидан сўнг, СССРнинг босиб олинган территорияларида ма'муриятни вужудга келтиришда фаол қатнашган.

Шарқдаги немис оккупация ма'муриятининг аппарати асосан ички ишлар министрлигининг хизматчилари блан тўлдирилган.

Айбдор Фрикнинг жуда фаол қатнашуви блан вужудга келтирилган бу аппарат, босиб олинган территориялардаги тинч аҳолини қириш, қулликка қайдаб олиб кетиш ва бу аҳолига бошқа ёвузликлар қилишда қаттиқ роль ўйнаганлигини такрорлаб ўтиришнг ҳожат йўқ.

Гитлерчилар томонидан ўюштирилган фитнанинг фаол қатнашчиси бўлгани Фрик ана шу жиноятларнинг ҳаммаси учун бевосита ва тамомила жавобгардир.

ШТРЕЙХЕР

Айбдор Юлиус Штрейхер уруш йилларида расман одамларни ўлдириш ва ёнгинасига қатл қилиш ишлари блан бевосита алоқадор бўлган вазифаларни эгалламаган бўлса ҳам бу киши томонидан қилинган жиноятларни санаб чиқиш қийин.

Гиммлер, Кальтенбруннер, Поль блан бирга, газ камералари ва «ажал машиналари»ни ўйлаб чиқарган, тузган ва ишга солган, ёнгинасига жазо чораларини бевосита амалга оширган кишилар блан бирга, Штрейхер герман фашизмининг энг қаттиқ жиноятлари учун жавобгар бўлиши керак.

Миллий ва ирқий низо'ларни қучайтириш, кишиларни ўтакетган даражада қаттиқ қўллик руҳида тарбиялаш ва одам ўлдиришга да'ват қилиш, бу кишининг узоқ йиллар мобайнидаги партиявий бурчи бўлибгина қолмай, балки даромад келтирувчи касби ҳам бўлган.

Ана шунинг учун ҳам Гиммлер судга ма'лум бўлган ва 1937 йил апрель ойида Штрейхерга юборган ўз табригида, «Штюрмер» китобига ва унинг бош муҳаррирининг ролига шу қадар юқори баҳо берган эди.

Штрейхерни Треблинкада болаларни ниталарга бўлиб ташлаган кишиларнинг чинакам «ма'навий отаси» деб ҳисоблаш мумкин. «Штюрмер» ва унинг муҳаррири бўлмаганида эди, герман фашизми кишиларни ўлдирувчи жуда кўп қадрларни шу қадар тез тарбиялаб етиштира олмас эди. Бу кадрлар Европада олти миллиондан кўпроқ яҳудийни ўлдириб, Гитлер ва унинг тўдаси тузган жиноятқорона планларни бевосита амалга оширдилар.

Штрейхер узоқ муддат давомида Германиядаги болаларни ва ёшларни ма'навий жиҳатдан бузиб келди. Сўзга «Штюрмер»нинг «болалар учун чиқарилган нашри» сингари қабиҳ китобларни тақдим қилинди. Ана шунинг учун ҳам ўзлари етиштирган ва ма'навий жиҳатдан бузилган гитлерчи ёшлар Львов маҳалласидан тутиб олинган яҳудий болаларини нишонга олиб, отиш машқида фойдаланишлари учун Штрейхер Бальдур фон Ширах блан бирга жавоб бериши керак. Фон Ширахнинг Штрейхернинг «тарихий хизматлари»га юксак баҳо бериши бечиз эмас.

Ана шу «1-нчи яҳудийхўр» (у, ўзини шундай деб атади) ва биринчи яҳудий қирғинини ўюштирган киши ёвузликлан иборат «Нюрнберг қонунларини «курашнинг боши» деди, халос. Бу қонунлар нашр этилганидан сўнг Штрейхер Европадаги яҳудийларни қиришга чақириб, бундай деб ёзган эди: «Жаҳондаги яҳудийлар қириб ташлангандан сўнгина бу масала ҳал қилинади». Буни суд унутган эмас.

Мен «Штюрмер»нинг эссечиларни миллионларча ҳимоясиз кишиларни ўлдиришга жўшатдантирувчи ва яҳудийларга нисбатан қилинган ҳар қандай ёвузликларни оқловчи сохта ва шармандалик «урф-одат ёзётлари»га қайтиб ўтиримайман. Штрейхернинг айбини исбот этадиган бошқа ҳужжатлар блан бирга судга тақдим қилинган бу далиллар ҳаммага ма'лум ва уларга шак-шубҳа қилишнинг мумкин эмас.

1939 йилда у Майданек ва Треблинкани вужудга чиқариш тўғрисида ўйлар экан, «Европада яҳудийлар ашаганлигидан яҳудийларнинг қабрларигина ҳарак бера олиши мумкин» деб ёзган эди.

Треблинка ва Освенцимдаги газ камераларига миллионларча қурбонлар қабул қилинган 1943 йилда «Штюрмер»да яҳудий маҳаллаларини йўқ қилиб юборишга ундайдиган, сохта ва таҳқирлашлар блан тўла мақолалар э'лон қилинди. Ниҳоят «Штюрмер» салиб ташлаган қаноат ҳосил қилган ҳолда «Европада яҳудийлар йўқ бўлиб кетди» деб та'кидлади.

Штрейхер бутун умрида ёлғончилик қилиб келди. У бу ерда, суд вақтида ҳам алдашга уринди. У ана шу ёлғончиликни қилиш блан бирон киписни алдамоқчи бўлган эдими ёки ўз ҳаётини ва қўрқанидан яна ёлғон гапирдими, буни мен билмайман.

Аммо, менингча айбдорнинг ўзига ма'лум бўлиши керакки, унинг бу ердаги сўнгги ёлғончилиги эндиликда ҳеч кимни ҳам алдай олмайди ва уни қутқариб қололмайди.

ШАХТ

Гитлерчи фитначиларнинг жиноятқорона планларини тайёрлашда ва уни амалга оширишда айбдор Гельмар Шахт катта ва мураккаб ишни бажариб, муҳим роль ўйнади.

Шахтнинг ўзини ҳимоя қилиш йўли жуда оддий йўлдир.

Агар унинг гапига қулоқ солилган бўлсак, у ватанпарварлик руҳида бўлганлиги туфайли, агрессив урушларга қарши бўлган, аммо тинчликни сақлаш мақсадида, Германияни қуроллантириш фикрини қувватлаб келганлиги сабаблигина, гитлеризмга қўшилган эмиш. У, Европада иқтисодий тенгликни ўрнатиш мақсадида, Германияга мустамлакаларини қайтариб бериш фикрини қувватлаб келган эмиш.

Гитлерчилар ҳукуматининг сиёсати зўр бериб қуроллананётгани ва шундай қилиб, иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборши блан таҳдид қилаётганлигига ишониб, Шахт Гитлерга қарши оппозициячилар сафидан жой олган ҳамда гитлерчилар ҳукуматининг тадбирларини саботаж қилиб келган эмиш. У ана шунинг натижасида, Гитлерга қарши фитна қатнашчиси сифатида жазоланган эмиш.

Айбдор Шахт ўзининг тамомила садоқатини исбот қилиб, Гитлерга ёзган мактубларини ўзининг гитлерчилар тартибига қарши қайфиятда эканлигини ниқоблаш мақсадида ёзган эдим деб кўрсатишга уринади.

Ҳақиқатда эса, Шахт 1930 йилдаёқ гитлерчилар ҳаракатига қўшилган эди. Шахт национал-социалистларга қўшилди. Гитлер блан Геринг эса, Шахтнинг молад беришига муваффақ бўлдилар. Германиянинг саноат ва молия доираларида катта алоқалари бўлган Шахт гитлеризмга бошқа ҳар қандай кишидан ҳам кўпроқ хизмат қилиши мумкин эди ва у ҳақиқатда ҳам жуда катта хизмат қилди.

Шахт 1932 йилнинг 29 августидаёқ Гитлер номига юборган мактубида ўзининг унга содиқ эканлигини кўрсатиб ишонтирган эди.

Унинг бу ишонтиришлари қуруқ сўз бўлиб қолмади. Гитлерни ҳокимият тепасига келтиришда дечкин айбдор Шахтнек катта роль ўйнамади. Германия саноат доираларининг Гитлерни рейхсканцлер қилиб тайинлаш ҳақидаги талабини ўртага қўйиб, мурожаат блан чиқишларини уюштирган киши худди Шахтнинг ўзи эди.

Шу Шахтнинг ўзи 1932 йилдаёқ ўша вақтда Германиянинг рейхсканцлери бўлган фон Папенга, ўз лавозимингизни Гитлерга беринг» деган эди. Шу Шахтнинг ўзи 1933 йилда, н'ин рейхстаг сайловлари арафасида саноатчиларнинг кенгашини ўюштирди ва бу кенгашда гитлерчилар партияси учун биринчи миллион маркадан иборат сайлов фонди тузди.

Гитлернинг энг яқин йўлдоши Геббельс гитлерчилар Германиясини вужудга келтиришда Шахтнинг қандай роль ўйнаганлиги ва унинг молиявий қўйидагича та'рифлайди. Геббельс 1932 йил 21 ноябрьда ўзининг кундалик дафтарига бундай деб ёзади:

«Доктор Шахт блан суҳбат қилиб, у тамомила бизнинг нуқтаи назаримизда эканлигига ишондим. У фюрернинг йўлига тамомила роя бўлган кишиларнинг биридир».

Айбдор Шахтнинг ўзи 1935 йил 4 мартда Лейпцигда баҳорги ярмаркада гапирган сўзида, гитлерчилар давлатида ўзи ўйнаган рольни бундай та'рифлаган эди:

«Мен сизларни ишонтириб айтишим мумкинки, мен ихлиқи гапирар ва ихлиқи қилар эканман, бўларнинг ҳаммаси фюрернинг розилиги блан қилинади ва мен фюрер ма'қуллямайдиган ҳеч бир парсани қилмаймаи ва гапирмайман. Шундай қилиб иқтисодий соҳада иқтиёрга келаётган киши мен эмас, балки фюрердир...»

Гитлер айбдор Шахтнинг хизматларига, Шахтнинг ўзи кутганидек мунносиб баҳо берди. Гитлер 1933 йилда ҳокимият тепасига келиши ҳамоно Шахтни дарҳол рейхсбанк раиси қилиб, сўнгра эса, экономика министри ва ниҳоят, ҳарбий экономика масалалари блан шуғулланучи бош вакил қилиб тайинлади.

Қораловчиларнинг материаллари блан ва суд тергови натижасида, айбдор Шахтнинг Германияни қуроллантиришда ҳамда бу блан агрессив урушларни бошлаб юборишда гоят катта роль ўйнаганлиги исбот этилди.

Собиқ ҳарбий министр Бломберг судда айтган сўзларида, 1937 йилда қуролли кучларни кўпайтириш плани бажарилай деб қолди ва Шахт бу планлардан ҳамда планнинг амалга ошиши учун зарур бўлган маблағлардан хабардор эди, деди.

Шахт гитлерчиларнинг жиноятқорона планларини изчиллик блан ёқлаб келган кишилардан бири эди. Шахт 1936 йил 23 сентябрида Америка Қўшма Штатларининг элчиси Фуллер блан қилган суҳбатида унга бундай деган: «...Германияга мустамлакалар керак. Агар мумкин бўлса, биз музокаралар олиб бориш йўли блан мустамлакаларни қўлга киритамиз, йўқ эса, -- биз уларни босиб оламиз...».

Шахт 1938 йилнинг мартида Венада сўзга чиқиб, бундай деган эди:

«Худога шукурки, бу нарса улуг герман халқининг ўз йўлини давом этдиришига халақит бера олмади. Чунки, Адольф Гитлер герман иродасини ва герман фикрини бир бутун қилиб бирлаштирди. Гитлер ҳарбий кучларни кўпайтириш блан бунн мустаҳкамлаш ва провардида у Германия блан Австриянинг ички бирлигини ташқи жиҳатдан ҳам расмийлаштирди».

Айбдор Шахтга ҳарбий экономика соҳасида гоят катта ваколат берилган эди.

Шахт бирнеча йил мобайнида айни вақтда рейхстаг раиси, экономика министри ва ҳарбий экономика масалалари блан шуғулланучи бош вакил бўлиб келди.

Айбдор Шахт ана шу вазифаларни эгаллаши жиҳатидан ҳам гитлерчилар Германиясининг ҳарбий экономикасини ва қуролли кучларини яратишда ҳамда қайтадан тиклашда жуда катта ва ҳал қилучи роль ўйнади.

Айбдор Шахтнинг ана шу ролини Гитлер Шахтга қайта-қайта ёзган мақтов мактубларида етарли равишда ёритиб берган.

Айбдор Шахт муттаҳамларчиликдан иборат «мефо» усулини ўйлаб чиқарган кишининг ўзгинасидир. Ана шу усулни қўлланиш натижасида, Германия экономикасига қуроллантириш мақсадида бюджетдан ташқари 12 миллиард марка маблағ солинган эди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, айбдор Шахт ўз фаолиятини давом этдирган турли даврларда гитлерчилар тартиби блан келишолмаганлиги гўё тобора ошиб борганлигини уқдириб кўрсатишга уринди. Ҳақиқатда эса, Шахт қутирган гитлерчилар ҳукуматининг жиноятқорона сиёсати учун ўзини мас'улиятнинг сақлаб қолиш мақсадида, гитлерчилар тартибини йиқитишга астойдил интилган кишилар блан якка ёқлама пайринг қилиб борди ва айни вақтда ҳар эҳтимолга қарши ана шу тартибга нисбатан ҳоинлик қила берди.

Гитлерчилар Германиясининг ҳалокатга учраши Шахт сингари муттаҳам сиёсатдонлар учун равшан бўлиб қолган 1943 йилдагина, у гитлерчилар тартибига қарши бўлган доиралар блан алоқа боғлади ва аммо ўз ишини давом этдира берди ҳамда бу ҳолда ҳам эҳтиёт юзасидан гитлерчилар тартибини йиқитиш учун амалда шахсан ҳеч нарса қилмади ва худди шунинг учун Гитлер уни сақлаб қолди.

Айбдор Шахтнинг қиёфаси ана шундай; гитлерчилар Германияси ҳарбий экономикасининг ижочиси ҳамда жиноятчи гитлерчилар ҳукумати томонидан бошланган иккинчи жаҳон уруши олоиини ёқучи кишининг умумий фитнаси ва ҳарбий жиноятларни қилишда ўйнаган роли ана шундай.

ФУНК

Вальтер Функ 1931 йилда НСДАПга расмий а'зо бўлиб киришидан кўп илгари гитлерчи бўлган ва охиригача гитлерчи бўлиб қолган. У, ўзининг иқтисодий билимларини, журналистлик тажрибасини, герман саноати, герман савдосн ва молиясининг раҳбарлари блан бўлган кенг алоқасини гитлерчи фитначиларга хизмат қилиш учун бағишлаган.

«Дас рейх» газетасининг 1940 йил 13 август сонида «Вальтер Функ — национал-социалистлар тафаккурининг таянчи» деган мақолада ёзилиб чиққан мақоласида қуйидагилар айтилган эди:

«Вальтер Функ ўз касбига содиқ киши бўлиб қолди, чунки у национал-социалист эди, у ўзининг ҳамма асарларини фюрер ғояларининг талабасига бағишлаган киши эди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади».

Гитлернинг «ғояларн» нимадан иборат бўлганлиги жуда яхши ма'лум. Функ ўнбеш йиллик ҳаётнинг шу «ғояларга» бағишлаган.

Функ СС блан ҳеч қандай алоқам йўқ эди, деб да'во қилди, аммо, ҳўкм Функнинг ўзи рейхсбанк ишчиларини босиб олинган шарқий областларда ва бошқа областларда ишчилар томонидан талаб олинган бойликларни сақлайдиган жойга айлантирди.

Функнинг ўзи Гиммлер блан «анжуманлар» кейин, жуда кўп қамоқ лагерьларида ишлаб ўлдирилган кишиларнинг олтин тишларини, ишга солинган олтинларни, кўзойнакларини ва бошқа қимматбаҳо нарсаларини рейхсбанкка қабул қилиб олиш тўғрисида фармон берган.

СС группенфюрери Хойлер Функнинг ўринбосари бўлган. 90 минг кишини ўлдирган қотил Олендорф Функнинг раҳбарлигида ишлаган.

Функ Шахтнинг кўрган чораларини давом этдириб, Германиянинг бутун экономикасини, провардида эса, Германия томонидан босиб олинган территорияларнинг экономикасини ҳам гитлерчиларнинг агрессиячилик планларига бўйсундирган.

Функ ва унинг ўринбосари Ландфрид 1939 йил май ойидаёқ ҳарбий эҳтиёжларга пул чиқариш ва Германиянинг ҳамда немислар босиб олган Чехословакиянинг барча иқтисодий ресурсларидан уруш манфаатлари учун фойдаланиш планларини тузганлар.

Функ 1939 йил 23 июльда империя мудофаа кенгашининг мажлисида қатнашган. Бу мажлисда бутун халқ хўжалигини ҳарбий йўлга солиш ҳақида батафсил тузилган планлар қабул қилинган.

Функ ўша вақтда Германиянинг Польшага қарши ҳужум тайёрлаётганидан хабардор бўлиш блангина қолмай, ана шу агрессив планларини амалга оширишда ёрдам бериш блангина қолмай, балки янги урушларга,янги областларни босиб олишга иқтисодий тайёргарлик ҳам кўрган. Бу чоралар «фюрернинг буюк сиёсий мақсадлари»дан иборат эди. Функ орада бирнеча ой ўтгандан кейин, «Хўжаликни ва молияни сафарбар қилиш» деган мақоласида шу тўғрида ёзган эди.

Мен яна бир ҳужжатни эслатиб ўтаман. Функ 1939 йил 25 августда Гитлерга қуйидагиларни ёзган:

«Фельдмаршал Геринг жаноблари уруш эҳтиёжларига пул чиқариш, нарх-наво белгилаш, иш ҳақини тарифлаш ва мажбурий тартибда ин'ом йитиш ҳақида тайёрлаган чораларимни кеча кечқурун фюрерим асосан ма'қуллаганлигини менга билдирди. Бу хабар мени жуда хурсанд қилди».

Германия СССРга хиёнаткорона ҳужум қилишидан кўп илгари Функ Совет Иттифоқининг бойликларини талаш планларини тузишда қатнашган.

Функ ўз ходимларини Розенберг министрлигига ва таловчилар маркази бўлган ОСТнинг хўжалик штабига юборган. Функнинг одамлари Чехословакияни, Югославияни ва босиб олинган бошқа мамлакатларни талашда ҳам қатнашганлар.

Функ босиб олинган шарқий территориялардаги нефть бойликларидан, хусусан Грозний ва Баку нефтидан немисларнинг фойдаланиши учун ташкил этилган «Континенталь ойль» компаниясининг президенти бўлган.

Функ гитлерчилар Германиясининг СССРга қарши талончилик мақсадида қилган урушини батамом ма'қуллаган. У 1941 йил 17 декабрьда Прагада нутқ сўзлаб, Шарқ келгусида Германиянинг мустамлака вилояти бўлади, деган. Функ 1942 йил 6 VIII да Геринг ҳузурида бўлган кенгашда қатнашган. Бу кенгашда СССРнинг босиб олинган территорияларини, Польша, Чехословакия, Югославия, Франция, Норвегияни ва бошқа мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан талаш тўғрисида энг кўп натижа берадиган чоралар белгиланган.

Функ бу кенгашда, шунингдек «марказий планлаш» бошқармасининг мажлисларида босиб олинган областлардаги миллионларча кишиларни қул қилиш учун ҳайдаб олиб кетиш планларини тузишда қатнашган.

1931 йилдаёқ иқтисодий масалалар юзасидан Гитлернинг шахсий маслаҳатчиси, империя министри ва иқтисодий масалалар юзасидан бош вакил, рейхсбанк президенти ва империя мудофаа кенгашининг а'зоси, гитлерчи фитначи айбдор Функнинг талончилик, агрессив урушларини тайёрлаш ва амалга ошириш даврида, умумий жиноий планни (фитнани) амалга оширишда актив суратда қилган жиноий ишларидаги асосий даврлар шундан иборат.

Фашист фитнасининг актив қатнашчиси Функнинг тинчликка қарши жиноят, ҳарбий жиноят қилишда, инсониятга қарши жиноят қилишда айбдор эканлиги тамомила исбот қилинди. У қилган ёвузликларига яраша жавобгар бўлиши керак.

ШИРАХ

Айбдор Бальдур фон Ширах 1931 йилдан бошлаб урушнинг охиригача гитлерчи ёшларга раҳбар бўлган.

1936 йил 1 декабрьда гитлерчи ёшлар тўғрисида қонун чиқарилганидан кейин, фон Ширах империя ёшлари раҳбари сифатида тўғридан-тўғри Гитлерга тобе' бўлган.

Айбдор Ширах сўроқ маҳалида айтган гапларида немис ёшларини Гитлер ғояларн руҳида тарбиялаганлиги учун жавобгарликдан қочиб қутилишга урниб, «Гитлерюгенд» гитлерчилар партиясига ва гитлерчилар ҳукуматига қарам бўлмаган мустақил ёшлар ташкилоти эди, деб такрор-такрор марта айтди.

Айбдор Ширах ўзини ҳимоя қилиш мақсадида буюк Гётенинг сўзларига таянишнн мумкин ва ўринли деб топди. Гётенинг «ёшлик даврининг ўзи ёшларни тарбиялайди» деган гапларидан Ширах очиқдан-очиқ сурбетларча фойдаланди.

Гёте «ёшлик даврининг ўзи ёшларни тарбиялайди» деганида, албатта ҳақли эди. Аммо, Гёте гитлеризм хурофотлари блан айниб бузилган ёшларни эмас, балки соғлом, доно, хушчақчақ ёшлик даврини кўзда тутган эди. Гитлер Раушнинга айтган сўзларида гитлеризм хурофотлари блан айниб бузилган ёшлар тўғрисида очиқдан-очиқ бундай деган эди:

«Биз бугун дун'ёни заргага келтирадиган ёшларни, ўжар, талабчан, шафқатсиз ёшларни етиштирамиз. Мен шуни истайман. Ёшларда ана шу хусусиятларнинг ҳаммаси бўлиши керак, ёшлар азоб ва аламга бефарқ, бепарво қарашлари керак. Ёшлар заиф ва нозик бўлмасликлари лозим. Мен ёшларнинг кўзида йиртқич ҳайвоннинг ўтдек чақнаб турган кўзини кўришни истайман».

Айбдор Ширах немис ёшларининг онгига гитлеризм ғояларини изчиллик блан сингдирган ва немис ёшларини Гитлер талаблари руҳида, гитлерчилар шайкасининг уччига чиққан бошлиқларига ўхшатиб тарбиялаган.

Айбдор Ширах ғарафайлар сўроқ қилган вақтда немис ёшлари гитлеризм ғояларн руҳида тарбиялганлигини, немис ёшларини тарбиялаш учун СА а'золари, немис қуролли кучлари ва СС офицерлари жалб этилганлигини, гитлерчилар Германиясида ёшлар ҳарбий жиҳатдан зўр бериб тайёрланганлигини иқрор қилишга мажбур бўлди.

Шу мақсадда «Гитлерюгенд» империя раҳбарлиги блан ОКВ бошлиғи айбдор Кейтель ва СС рейхсфюрери Гиммлер ўртасида маҳсус битимлар тузилган. Бу битимлар ёшларни урушқоқлик руҳида тарбиялашни, ёшларни герман қуролли кучлари ва СС қўшинларнн учун тегишнча саралаб олиш ва тайёрлашни кўзда тутар эди.

«Гитлерюгенд» тарбиялаган немис ёшларининг уруш вақтидаги хатти-ҳаракати айбдор фон Ширахнинг умумий фитнаси, ҳарбий жиноятларда ва инсониятга қарши жиноятларда роли ҳам ниҳоятларнинг жуда иққол кўрсатиб берди.

Совет қораловчиси Львов области территориясида немисларнинг қилган ёвузликлари ҳақида фавқулодда Давлат Комиссиясининг берган ахборотини, уставнинг 21-нчи моддаси талаб қилган тартибда СССР—6 рақамли ҳужжат тариқасида Трибуналга тақдим этган эди.

Бу ахборотда «Гитлерюгенд» а'золарининг ёш болалардан ва ҳ.ёшёна ўч олганлиги ҳақида ва отиш учун бу болаларни нишон қилганлиги ҳақида француз табаси Ида Вассонинг айтган гаплари келтирилган эди.

Ида Вассо 1946 йил 16 майда ёзма шаклда топширган сўроқ варақасида, шунингдек айбдор Ширах ҳимоячисининг сўроқ варақасига қайтарган жавобларида айтган гапларининг тўғрилигини тасдиқлади.

Асир олинган немис солдати Герт Книтель «Гитлерюгенд» а'золарининг немис қуролли кучлари составида қилган ҳаракатлари тўғрисида ишончли ма'лумот берди. Герт Кнительнинг ўзи 1938 йилдан бўён «Гитлерюгенд»нинг а'зоси бўлган ва 1942 йилда 18 яшар чоғида немис армиясига олинган.

Герт Книтель жуда кўп ёвузликлардаги иштирокини тасвирлаб, қуйидагиларни айтди:

«Бизнинг ротамиз 1943 йилнинг июнь ойида Лишайск деган жойда бир уйни ичидаги одамлари блан ёндириб юборди... Уй ичидан қочиб чиқмоқчи бўлган кишиларнинг ҳаммасини отиб ташладик, фақат бир кампирнигина отмадик, чунки бу кампир кўз олдимизда ақлдан озган эди...».

Ана шу жиноятларнинг ҳаммаси учун Герт Кнительзар ва унга ўхшаш ўн мингларча кишилар блан бир қаторда айбдор фон Ширах ҳам тўла жавобгардир.

Ширахнинг ўзи албатта одамларни отмаган, ўт қўймаган, аммо, у ўзи томонидан ма'нан бузилиб, расвоси чиққан ва ҳарқандай ваҳшийлик қилишга тайёр турган немис ёшларининг қўлига қурол берган.

Аммо, «Гитлерюгенд» ва айбдор Ширахнинг уруш вақтидаги жиноий фаолияти бу жиноятлар блан чекланиб қолмайди.

«Гитлерюгенд» Польша ва Югославияда бешинчи колонналар тузиш йўли блан агрессив урушларни тайёрлашга қатнашган. Польша ва Чехословакия ҳукуматларнинг Трибуналга топширган расмий докладлари шуни исбот қилади.

«Гитлерюгенд» ташкилоти босиб олинган шарқий территориялардаги министрликнинг кўрган чораларида фаол қатнашган. Айбдор Розенбергнинг 1039—ПС сони блан Трибуналга топширган ҳисоботи буни исбот қилади. Шунингдек «Гитлерюгенд» босиб олинган территориялардаги 10 ёшдан тортиб 14 ёшгача бўлган болаларни қулликка ҳайдаб олиб кетишда актив қатнашган. Трибуналга топширилган № 031—ПС деган ҳужжат буни исбот қилади.

Ширах империя пойтаҳти ва Вена ғаулейтери бўлган вақтида Венадан 60 минг яҳудийни сургун қилишда шахсан раҳбар бўлган, бу яҳудийлар кейинчалик Польшадаги қамоқ лагерьларида қириб ташланган.

*) Бошқа «Қизил Ўзбекистон»нинг 2 ва 3 август сонларида босилди.

(ДАВОМИ 4-НЧИ БЕТДА)

НЮРНБЕРГДА АСОСИЙ НЕМИС ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРИ УСТИДАН СУД

СССР БОШ ҚОРАЛОВЧИСИ ЎРТОҚ РУДЕНКОНИНГ ОХИРГИ СЎЗИ

(БОШИ 3-НЧИ БЕТДА)

Қораловчилар томонидан топширилган ҳужжатлар, я'ни Шираҳ олиб турган кундалик ҳисоботлар, Шарқда немис қўшинлари ва оккупацияча ма'мурлар томонидан қилинган жуда кўп ваҳшийликлардан у ҳабардор бўлганлигини ва жумладан Венадан мажбуран олиб кетилган ўн мингларча яҳудийларнинг фожиали тақдиридан хабардор бўлганлигини аниқлайди.

Айбдор Шираҳ 1940 йилда Борман номига юборган телеграммасида Богемия ва Моравия жаллоди Гейдриҳнинг ўлдирилишига жавобан, Буюк Британиянинг маданий шаҳарларидан бирини ҳаводан бомбардимон қилиб, йўқ қилишни талаб этган.

Шу телеграмманинг ёлғиз ўзи фон Шираҳнинг ма'навий қиёфасини тамомила очиқ-равшан кўрсатиб беради.

Гитлерчилар тўдасига охиригача содиқ бўлиб, бу тўданинг ҳамма жиноятларидан хабардор бўлган ва бу жиноятларда актив қатнашган айбдор фон Шираҳ учинчи империянинг энг разил ва манфур шахсларидан биридир.

ЗАУКЕЛЬ

Мев. Ўзимизнинг кириш нутқимда, немис-фашист босқинчиларнинг қилган ғоят кўп жиноятларида тинч гражданларни — эркаклар, хотинлар ва болаларни қул қилиб ишлатиш учун Германияга зўрлаб олиб кетиш катта ўрин тутганлигини айтган эдим.

Айбдор Фриц Заукель ана шу қабиҳ жиноятда ҳал қилучи роль ўйнаган.

Суд мажлисида тарафайнлар сўроқ қилинган пайтда, айбдор Заукель уруш даврида Германия саноатида ва қисман қишлоқ хўжалигида 10 миллионга яқин эрксиз ишчилар ишлатилганлигини э'тироф қилишга мажбур бўлди. Бу ишчилар босиб олинган территориялардан келтирилган кишилардан ва ҳарбий асирлардан иборат эди.

Босиб олинган территориялардан миллионларча ишчиларнинг Германияга келтирилганлигини ва улардан биринчи галда гитлерчилар Германиясининг ҳарбий экономикаси манфаатлари учун фойдаланилганлигини э'тироф қилгани қолда, Заукель ишчилари ғўё ихтиёрий равишда келган эди, деб да'во қилиб, ана шу чоралларнинг жиноят эканлигини рад қилди.

Бу, қуруқ ёлғон бўлиш баробарида қолмай, балки шу билан бирга Совет Иттифоқи, Чехословакия, Югославия, Польша, Франция, Голландиянинг ўз ватанларига содиқ бўлган ва гитлерчилар Германиясига қул қилиш учун зўрлаб ҳайдаб олиб кетилган миллионларча соф виждонли ватанпарварларига қилинган туҳмат ҳамдир.

Айбдор Заукель ишчи кучларидан фойдалашиш соҳасидаги бош вакил бўлгани ҳолда, ўзининг шу ролини бошқа давлат органларининг ишчи кучларидан фойдаланиш йўлидаги ишларини мувофиқлаштириб олиб боручи ва йўл-йўриқ кўрсатучи бир кишининг роли деб тасвирлашга уринди, унинг бу да'воси тамомила асоссиздир. Гитлер ишчи кучларидан фойдаланучи бош вакил бўлган Заукельга ҳаддан ташқари фавқулодда катта ҳуқуқлар берган ва у ўз ишларида тўғридан-тўғри шаҳсан Герингга бўйсунган.

Заукель босиб олинган территориялардаги ишчи кучларини Германияга жўнатиш учун ўз ҳуқуқларидан кенг фойдаланган.

Трибуналга тақдим этилган жуда кўп ҳужжатли далилларни келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу далиллар босиб олинган территориялардаги одамларни қул қилиш учун кўлдаб ҳайдаб олиб кетиш методлари жиноий бир метод эканлигини ва бу жиноятларда айбдор Заукельнинг ташкилотчи бўлганлигини шак-шубҳасиз исбот қилади.

Немис ҳарбий ва граждан ма'мурлари томонидан ўтказилган ва «нинчан» номи билан маҳфий ёзилган операция бу жиноятларнинг ҳаддан ташқари авж олганлигини кўрсатади. Бу операция 10 ёшдан тортиб 14 ёшгача бўлган болаларни қул қилиш учун зўрлаб ҳайдаб олиб кетишга ва Гитлер томонидан немислаштириш учун мўлжалланган украин қизларини ҳайдаб олиб кетишни кўзда тутган.

Айбдор Заукель ҳарбий асирларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида Женева ва Гаага битимларининг талабларини ғўё пухта бажарганлигини айтиб, Трибунални шунга ишонтирмоқчи бўлади. Аммо, Заукельнинг берган буйруқлари унинг ёлғонларини тамомила фош қилади.

Айбдор Заукель Германиянинг ҳарбий саноатида совет ҳарбий асирларини мажбурий ишлатиш планларини олдиндан тузиб қўйган ва граждан ишчилар билан уларни сра фарқ қилмаган.

Исбот тариқасида келтирилган жуда кўп ҳужжатлар қул қилиш учун ҳайдаб олиб кетилган ажнабий ишчилар ва ҳарбий асирлар ғоят оғир шароитда яшаганлигини кўрсатади.

Айбдор Заукельнинг ўзи ажнабий ишчиларнинг тиконли симлар билан ўраб олинган лагерьларда турганлигини ва махсус белгилар тақиб юришга мажбур этилганлигини иқрор қилишга мажбур бўлди.

Заукель ҳимоячисининг илтимосига мувофиқ, суд мажлисига чақирилган гувоҳ доктор Вильгельм Егер Крупп фирмаси корхоналаридаги эрксиз ишчиларнинг ғоят оғир шароитда яшаганлигини тасвирлаб берди.

Шу муносабат билан бошқа бир гувоҳ — Фриц Висхофернинг сўроқда айтган гаплари жуда кулгилидир. У, Трибуналга Венадаги Пратер кўчасида вақтичоғлиқ қилиб ўйнаб юрган ажнабий кишиларни кўрганлигини айтиш учун жони борича ҳаракат қилди.

Айбдор Заукель ана шу жиноятларнинг ҳаммасини қилишда зўр фаолият кўрсатган. У 1943 йилнинг апрель ойида ишчи кучларини тезроқ жўнатдириш мақсадида, Ровно, Киев, Днепропетровск, Запорожье, Симферополь, Минск, Рига борган. Ўша йилнинг июнь ойида эса, Прагага, Краковга, сўнгра яна Киев, Запорожье ва Мелитополга борган.

Заукель 1943 йилда Украинага қилган сафари натижасида ишчи кучлар сафарбарлигини муваффақиятли ўтказганлиги учун Украина рейхскомиссари Коҳга ташаккур э'лон қилган. Коҳ Украин аҳолисига нисбатан энг шафқатсиз, ваҳшийона чораларни кенг миқёсда қўлланиш билан ном чиқарган эди.

Шу сабабдан, гитлерчилар Германиясида Заукельнинг жиноий ишларига юксак баҳо берилганлиги тасодифий эмас.

1942 йил 6 августда босиб олинган областьлардаги рейхскомиссарларнинг кенгашида айбдор Геринг бундай деган:

«...Мен ғалиётер Заукельни мақтамоқчи эмасман. У мақтовга муҳтож эмас. Аммо, ишчиларни тезликда тўплаш ва корхоналаримизга келтириш учун ана шу қисқа вақт ичида унинг қилган ишлари ғоят катта муваффақиятдир. Мен барча жанобларга шуни айтишим керакки, агар ҳарбиримиз ўз соҳамизда ғаулейтер Заукель кўрсатган ғайратнинг ўндан бир қисмининг кўрсатсак, у ҳолда ўз зиммамизга юклатилган вазифаларни ҳақиқатан ҳам осонлик билан бажарган бўлур эдик...».

1944 йилда «Рейҳсарбейтсблатт»да Заукельнинг 50 йиллиги муносабати билан босиб чиқарилган мақолада қуйидагилар айтилган:

«Ўз сиёсий вазифасига содиқ бўлган Заукель ғоят ижиллик, сабот-матонат билан, беиҳоя зўр э'тиқод билан ўзининг мас'улиятли йўлидан бормоқда. Гитлернинг энг содиқ тарафдорларидан бири бўлган Заукель фюрернинг ишончидан ижодий ва ма'навий куч олмоқда».

Заукельнинг жиноий ишларига баҳо берганда, ҳурматли судьялар, немислар асоратида жафо чеккан миллионларча кишиларнинг, лагерьларда ғоят оғир шароитда қийналган мингларча ишчиларнинг оқизган кўз ёшларини шубҳасиз э'тиборга олурлар ва қилмишига яраша унга жазо берурлар.

ЗЕЙСС-ИНКВАРТ

Гитлер 1939 йил сентябрь ойининг бошида айбдор Артур Зейсс-Инквартни Жанубий-Польшадаги граждан ма'муриятининг бошлиғи қилиб тайинлаган, ўша йилнинг 12 октябридан бошлаб эса, Польша генерал-губернаторининг ўринбосари қилиб тайинлаган.

Зейсс-Инкварт 1940 йил май ойигача шу вазифада бўлган.

Зейсс-Инкварт 7 ой мобайнида шаҳсан ўзи, шунингдек Франк раҳбарлигида ва у билан бирга Польшада террорчилик усул идорасини ўрнатган, неча мингдаб кишиларни ўлдириш, Польша давлати халқларининг мол-мулкини талаш ва уларни қул қилиш планларини тузиш ҳамда амалга оширишда актив қатнашган.

Зейсс-Инкварт 1939 йил 17 ноябрьда Варшава губернаторлигидаги бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари ўртасида нутқ сўзлаган ва бу нутқида қуйидагиларни айтган: генерал-губернаторликдаги герман ма'мурлари ўз ишларини амалга оширганларида, «Германия империясининг манфаатлари асосий ластур бўлиши керак. Бу область қаттиқ ва мустаҳкам идора қилиниб, Германия экономикаси учун ундан фойдаланиш керак. Ҳаддан ташқари раҳмдиллик қилмаслик учун, поляк ирқининг герман территориясини босиб олганлигини эсда тутишга тўғри келади».

(ДАВОМИ ГАЗЕТАМИЗНИНГ КЕЛГУСИ СОНИДА)

Париж сулҳ конференциясида

ПАРИЖ, 1 август (ТАСС махсус мухбиридан). Конференциянинг иш тартиби масалалари билан шуғулланучи комиссия бугун эрта билан иш тартиби ҳақида Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши томонидан таклиф этилган қоидаларни моддама-модда муҳокама қилишга киришди.

Муҳокама Греция делегациясининг қоидалардаги биринчи моддага тузатиш киргизишидан бошланди. Қоидаларнинг биринчи моддасида сулҳ шартномалари лойиҳаларини комиссияларда ва конференциянинг ялпи мажлисларида муҳокама қилиш тўғрисида гапирилади. Греция делегацияси таклиф этган тузатиш чалкаш бўлганлиги учун ғалати та'сир қолдирди: икки масала, я'ни сулҳ шартномаларини тузиш билан боғлиқ бўлган янги масалаларни пленумнинг ёки комиссияларнинг муҳокамасига қўйиш масаласи ва овоз бериш тартиби тўғрисидаги масала бир-бирига қўшиб юборилди. Мажлисда масаланинг шу тарзда чалкаш қўйилиши натижасида, гарчи умумий музокаралар бир кун аввал тамом қилинган бўлса ҳам, умумий тарздаги мунозаралар яна бошланди.

Австралия вакили Эватт масалаларни овозларнинг учдан икки қисми билан ҳал этиш тўғрисидаги қоидага яна қарши чиқиш учун бу ҳолдан фойдаланди.

Совет делегациясининг бошлиғи Молотов комиссия томонидан қабул қилинган тартиб мажлисда бузилаётганлигига комиссия а'золарининг э'тиборини жалб этди. Умумий тарздаги мунозаралар тамом бўлган эди. Шу сабабдан иш тартиби тўғрисидаги қоидаларнинг биринчи моддасини муҳокама қилиш керак. Ҳолбуки, шунга қарамай, умумий музокаралар яна бошланди. Шуни ҳам айтиш керакки, қабул қилинган қарорлар биринчи марта бузилаётгани йўқ. Мажлисларга раис ва раис ўринбосари раҳбарлик қилади, деб қарор чиқарилган эди. Аммо раис столи ёнида ёлғиз Спаакнинг ўзи ўтирибди. Спаакка раис столи ёнида раис ўринбосари Кардельга ўрин беришга тўғри келди. Молотов Греция вакилининг киргизган тузатишлари тўғрисида гапириб, бу ерда икки масала борлигини айтди. Бу масалаларнинг бири овоз бериш тартибига тааллуқлидир. Бу масала ҳозирги вақтда, я'ни иш тартиби тўғрисидаги қоидаларнинг овоз бериш тартибига тааллуқли бўлмаган биринчи моддаси муҳокама қилинганда қараб чиқилиши мумкин эмас, бу масала комиссия қоидаларнинг тегишли моддасини муҳокама қилганида қараб чиқилиши мумкин. Греция делегациясининг иккинчи таклифи конференция пленумининг ишларига тааллуқлидир. Бу таклиф англашилмовчилик орқасида ўртага қўйилган бўлса керак. Греция делегацияси биринчи моддада пленумнинг ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни таклиф этади, қолбуки бу моддада пленумнинг қандай масалаларни ҳал қилиши кераклиги ҳақида ҳеч гап айтилмаган.

Молотов Греция делегациясининг таклифи ўрнига иш тартиби ҳақидаги қоидаларнинг биринчи моддасига қўшимча киргизишни таклиф этди. Бу қўшимчада, конференция сулҳ шартномаларининг лойиҳаларига боғлиқ бўлган масалаларни бир делегациянинг ёки бирнеча делегациянинг илтимосига мувофиқ рўзномага қўя олади, дейилади.

«Бу,—деди Молотов,—ўз-ўзидан ма'лум. Бу — конференциядаги ҳарбир делегациянинг табиий ҳуқуқидир. Агар бирор делегация бунга талаб қилар экан, бунга қарши э'тироз билдиришга ҳақимиз йўқ».

Молотовнинг бу таклифи бир оғиздан қабул қилинди.

Иш тартиби тўғрисида Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши томонидан таклиф қилинган қоидаларнинг иккинчи моддаси Бош комиссия тузишга тааллуқлидир. Бу комиссия составида конференцияда қатнашаётган ҳарбир делегациядан бир вакил бўлади. Бош комиссия бошқа ҳамма комиссияларнинг ишларини мувофиқлаштириб олиб бориши керак. Конференция қатнашчилари музокара очмай, бу моддани қабул қилдилар, ҳолбуки Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида бу моддани ҳал этишда кўпгина қийинчиликлар бўлганлиги ма'лум, чунки Министрлар Кенгашининг айрим а'золари Бош комиссияга ҳоо бўлмаган вазифани, я'ни конференциянинг раҳбарлик органи бўлиш вазифасини унинг зиммасига юклашга ўринган эдилар.

Иш тартиби тўғрисида Министрлар Кенгаши томонидан таклиф қилинган қоидаларнинг учинчи моддаси сулҳ шартномалари лойиҳаларидаги сиёсий ва иқтисодий моддаларни қараб чиқучи комиссияларни тузиш ва уларнинг вазифаларини белгилайди. Голландия вакили илгари душман бўлган мамлакатларнинг ҳар бири юзасидан тузиладиган комиссияда мазкур душман мамлакат билан уруш ҳолатида бўлган давлатларнингина вакиллари иштирок қилсин деган таклифга қарши э'тироз билдирди. Голландия вакили, ҳарбир комиссияда конференцияда қатнашаётган барча 21 давлатнинг вакиллари иштирок қилсин, деган таклифни киргизди. Голландия вакили ўз таклифини асослаш учун қизиқ бир далил келтирди: иттифоқчи давлатнинг бирор душман давлатга уруш э'лон қилганлигининг аҳамияти йўқ эмиш ва Министрлар Кенгашининг юқоридаги таклифи бошқа давлатларни менсимасликдан иборат эмиш.

Буюк Британия вакили Макнэйл бу таклифга э'тироз билдирди. Аммо Макнэйл ўзининг бу э'тирозига Голландия вакилининг таклифи технический нуқтаий назаридан қулай эмас, деган далилни келтирди, халос.

Молотов масаланинг принципиал томонига комиссия қатнашчиларининг э'тиборини жалб этди. Молотов ҳозирги конференция 5 давлат билан тузиладиган сулҳ шартномаларини тайёрлаётганлиги учун бир конференциянинг ишини бажаради, деган фикрини яна та'кидлади. Шу сабабдан, бирор мамлакат билан тузиладиган сулҳ шартномалари билан шуғулланучи комиссияларнинг составини ҳам бу комиссияларнинг вазифасига мувофиқ бўлмоғи керак. Молотов мисол тариқасида шуни айтдики, Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида Финляндия билан тузиладиган сулҳ шартномасининг лойиҳаси қараб чиқилган вақтда Америка Қўшма Штатлари ва Франция вакиллари бу лойиҳани тузишда қатнашмоғимиз керак деб талаб қилмадилар, чунки улар финляндия билан уруш ҳолатида эмас эдилар.

Молотов бу конференцияда ҳам шундай тартибга амал қилишни таклиф этди. Комиссияларнинг составини Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг таклифларига мувофиқ белгилаш керак. Аммо шу билан бирга совет делегациясининг бошлиғи бу конференцияда қатнашаётган бошқа давлатларнинг вакиллари комиссияларда бирор гап айтишни истасалар, уларнинг фикри эшитилсин деб таклиф қилди.

Франция делегациясининг вакили Кув-де-Мюрвиль Макнэйл каби ўз фикрига технический мулоҳазаларни далил қилиб кўрсатган бўлса ҳам, совет делегациясининг таклифини қувватлади.

Эваттнинг одамни бездирадиган навбатдаги гапи залда ҳозир бўлган кишиларда ёқимсиз таассурот қолдирди. Эватт Германиянинг илгариги иттифоқчилари билан тузиладиган сулҳ шартномаларининг лойиҳаларини тайёрлашда қатнашган Франциядан қарши гапирди. Эватт Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида очиқдан-очиқ низо' туғдиришга ва бу низо'дан фойдаланиб кўришга уринди. Аммо унинг умиди пучга чиқди.

Совет делегациясининг сулҳ шартномалари лойиҳаларини энг демократик тартибда муҳокама қилишни кўзда тутган таклифини музокаралар давомида комиссия а'золарининг кўпчилиги қувватлади. Аммо муҳокамада қатнашган вакилларнинг ба'зилари бу тартибни бирмунча чеклашга уринилар.

Америка Қўшма Штатлари вакили Бирнснинг индамай келиши ҳамманинг э'тиборини жалб этди. Мажлисда қатнашган кишилар Бирнснинг ана шу жим туришини Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида Америка Қўшма Штатларининг иштироки билан қабул қилинган таклифларни қувватлашдан воз кечиш деб баҳоладилар.

Комиссия раиси 2 таклифни, я'ни Голландия делегациясининг таклифи билан совет делегациясининг таклифини овозга қўйди. Овозга қўйиш олдидан Голландия вакили чиқиб гапирди. Голландия вакили ўз таклифларини асослаш учун Ташқи Ишлар Министрлари Москва кенгашининг қарорларига суянмоқчи бўлди.

Молотов айтдики, совет делегацияси Голландия вакилининг таклифига сра қўшилолмайди, чунки унинг таклифи аслда мақбул таклиф эмас. Голландия вакили Москва кенгашининг қарорларига суянмоқчи бўлди, аммо унинг таклифи Москва кенгашининг қарорларига зиддир. Совет делегацияси ҳарбир комиссияда конференциялаги ҳарбир вакилнинг ёки барча вакилларнинг чиқиб ўз фикрини баён қилиш учун тўла имконият беришни таклиф этди. Аммо Москва кенгашининг чиқарган қарорларига мувофиқ сулҳ шартномалари юзасидан тавсиянномалар тайёрлайдиган комиссияларнинг составига мазкур давлат билан уруш ҳолатида бўлган мамлакатларнинг вакиллари кириши керак.

Ҳарбир делегация Голландия вакилининг таклифига бирма-бир овоз берди. Бу таклифга қарши 11 овоз берилди, бир делегация бетараф қолди. 9 делегация, я'ни Австралия, Бельгия, Бразилия, Канада, Хитой, Хабашистон, Греция, Голландия, Жанубий Африка Иттифоқи делегациялари Голландия вакилининг таклифини ёқлаб овоз берди. Белоруссия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон, Норвегия, Янги Зеландия, Польша, Чехословакия, Украина, СССР, Югославия делегациялари бу таклифга қарши овоз бердилар. Америка Қўшма Штатларининг делегацияси овоз беришда қатнашмади. Голландия делегациясининг таклифи рад этилди.

Бирнснинг, Америка Қўшма Штатлари овоз беришда қатнашмайди, деб расмона айтган гапи Америка Қўшма Штатлари делегацияси тутган йўлининг энг муҳим нуқтаси бўлди. Америка Қўшма Штатлари делегациясининг тутган бу йўли уларнинг конференция арафасида Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида узоқ муҳокамадан кейин тутган йўлларига қарама-қарши бўлди. Америка Қўшма Штатлари вакили иш тартиби масалалари билан шуғулланучи комиссиянинг уч кун давом этган мажлисида «овоз беришда қатнашмайман» деган бир гапни айтиш билангина қаноатланди. Бу гап кўп нарсани англатар эди. Вакилларда, Америка делегациясининг бу йўли Бирнс Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида ўзининг бевосита иштироки билан қабул қилинган қарорларни ўтказмаслик йўлидаги уринишларни бундан кейин ҳам бевосита бўлмасада, билвосита қувватлайди деб ўйлашга асос беради, деган фикрлар туғилмоқда. Ана шундай икки ёқлама йўл тутилганлиги бугунок аниқ ма'лум бўлди. Иш тартиби тўғрисидаги қоидалар муҳокамаси эртанги мажлисга қолдирилди.

★ ★ ★

Конференциянинг бугунги ялпи мажлисида умумий масалалар юзасидан мунозара давом этди. Даставвал Голландия вакили ван-Бетелер гапирди. У сулҳпарварлик ва адолат фикрларига асосланганлиги ҳақида узоқ гапиргандан кейин, Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши таклиф этган сулҳ шартномалари лойиҳаларига қарши чиқди.

Конференция қатнашчилари Югославия делегациясининг бошлиғи Карделнинг сўзини зўр э'тибор билан тингладилар. Кардель рус тилида гапирган нутқида Югославия халқларининг барча миллатлар тараққиёти учун эркинлик бўлишини та'минлайдиган тинчликни барпо қилишга интилаётганликлари ҳақида гапирди. Югославлар ҳуррият парвар бошқа халқлар билан бир ёқадан бош чиқариб, фашизмга қарши сабот ва мардлик билан курашдилар. Бу халқларнинг мардлиги герман фашизмини янчиб ташлаганликлари сабабли сулҳпарвар мамлакатларнинг вакиллари тинчлик масалаларини ҳал этиш учун бугун шу жойга тўпландилар.

— Аммо агар биз, — деди Кардель, — узоқ давом этадиган тинчлик ўрнатиш учун ҳамма имконятлардан фойдаланмаганимизда эди, инсониятнинг жуда қаттиқ ҳукмига сазовор бўлур эдик. Конференция фашизмнинг илдизларини йўқотиш чорасини кўрмайдиган бўлса, ўз вазифаларини ҳал этолмайди. Бу гапдан, Германиянинг аввалги иттифоқчиларини ҳаёт учун керакли ҳамма шартлардан маҳрум этишимиз керак, деган ма'но келиб чиқмайди, албатта. Биз яхши ниятни қўллаб-қўлтиқлаймиз, аммо ёнбосиш, — муросасозлик қилишга қаршимиз.

Югославия вакили босқинчилар босиб олиб талаган территорияларни қайтариб бериш сулҳнинг биринчи шарти эканлигини та'кидлади. Кардель Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши томонидан қилинган ишларни ма'қуллади. Аммо бу кенгаш томонидан тайёрланган сулҳ шартномаларининг ба'зи моддаларига қўшилмаганлигини айтди. Бунда гап Триестнинг тақдирини ҳал этиш тўғрисида ва Италия-Югославия чегарасини белгиловчи моддалар тўғрисида бораётир.

Кардель Италия агрессияси натижасида Югославияга етказилган ғоят кўп моддий зарарларни Италиядан ундириб олиш масаласини кўтарди.

Югославия вакили сўзининг охирида ишонч билдириб айтдики, урушдан кейинги тинчликни барпо қилишга доир энг муҳим масалаларда бир фикрга келмоқ учун самимий интилиш бўлар экан, конференция ўз олдида турган қийинчиликларни енгади ва муваффақият қозонади.

Янги Зеландия вакили Мэзон ўз нутқида конференция ўз ишида агрессиянинг кечаги қатнашчиларини кечириш руҳига амал қилмоғи керак, деди. Шу билан бирга у Америка Қўшма Штатларини жуда мақтади.

Норвегия делегациясининг раҳбари Ланге ўз нутқида Германия билан ҳамкорлик қилган мамлакатларни агрессияда қатнашганликлари учун жавобгар қилиш масаласини кўтарди. У айтдики, мазкур давлатларнинг ҳукуматлари Гитлер билан ҳамкорлик қилдилар, фашистлар Германиясининг ҳукмронлигига ихтиёрий равишда бўйсундилар ва фашистлар Германиясининг қилган ёвузликларида қатнашдилар. Бундан кейин агрессиянинг такрорланишига йўл қўймаслик учун ҳарбий ва сиёсий чоралар кўрилиши керак. Агрессиячилик зарарли эканлигини ва агрессия қилучилар қаттиқ жавобгар бўлажакларини исбот қилиб бериш керак.

— Шу билан бирга, — деди Ланге, — илгариги душман мамлакатларининг халқларига му'тадил ҳаётни тезроқ тиклаш имконини бериш лозим. Бу мамлакатларда мустаҳкам демократик усул идорани барпо қилиш — бунинг учун зарур шартдир. Норвегия вакили Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши томонидан бажарилган ишларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлади. У айтдики, улуғ давлатларнинг ҳамкорлиги мустаҳкам тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигининг зарур шартидир.

Конференциянинг эртанги ялпи мажлисида умумий масалалар юзасидан мунозаралар давом этади.

БИЛДИРИШ

ВЦСПС секретариатининг 1946 йил 22 июньда чиқарган 100-нчи сонли қарорига мувофиқ, ВЦСПСнинг Ўзбекистон вакили бошқармаси ҳузурида касаба союзларининг а'золарига, Ватан урушида меҳнат инвалидларига, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига меҳнат, уй-жой, суд масалалари юзасидан бепул маслаҳат бериш учун шу йил 1 августдан бошлаб юридик консультация ташкил қилинди.

Консультация Меҳнат саройида ҳар куни кундуз соат 9 дан соат 1 гача ва кечқурун соат 6—30 минутдан соат 10—30 минутгача ишлайди. (Киров кўчаси, 20, телефон №33—055).

ВЦСПС Ўзбекистон вакилининг бошқармаси.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари Р. САХИБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ЎзОПЕРА ТЕАТРИДА («Свердлов» театри биносида) — 6 августда **Кармен.** 4 пардали опера. Театр солистлари Ксения Давидова, Мордухай Давидов, ЎзССР-да хизмат кўрсатган артистлар Сора Самандарова, Рушель Мордухаев, солистлардан Низомхўжаев, Тамара Рамм, Сора Ҳамидова, Самандаров, Михаил Давидов қатнашади. Спектакль кеч соат 9 да бошланади.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА (Пушкин номли боғ, ёзги театр) — 4 августда **Нурхон,** 5 августда **концерт.** ЎзССР халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар ва театр солистлари қатнашади. Тамошалар кеч соат 9 да бошланади.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — **Денгиз сафарида,** 5 августдан **Икки жангчи;** «НАВОИЙ» — **Балерина,** 5 августдан **Максим Горький;** «9-нчи МАЙ» — **Чапаев** (ўзбек тилида); «ОКТЯБРЬ» — **Аршин мол олон** (рус тилида); «ВАТАН» — **бадиий рангдор фильм Тош гул;** «ХЕВА» — **Ажойиб табиатли қиз,** 5 августдан янги бадиий фильм Қасам. Сеанслар кеч соат 9—15 минутда ва соат 11—15 минутда бошланади; «ИСКРА» — **Тракторчилар** (янги нусхаси); «УДАРНИК» — **Қайтиш,** 5 августдан Яша, Москва!; «ТЕЛЬМАН» — **Аринка;** «ПОБЕДА» — **Айбсиз айбдорлар,** 5 августдан **Гумаштанинг синглиси;** «ВЕСНА» — **Шимол юлдузи,** 5 августдан **Тоҳир ва Зуҳра.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда **Катта вальс** (янги нусхаси) ва киножурнал **Нюрнберг суди;** «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун ҳужжатли фильмлар **Ўзбекистон ёдгорликлари, Она Ватан;** «НОВОСТИ ДНЯ» — кундуз ва кечқурун **Ўнбеш ёшли капитан;** «ПОБЕДА» — кечқурун **Баҳор вальси,** 5 августдан **Кўришишга шошилган қиз.**

Москва сиртқи статистика институти 1946/47 ўқув йилига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳрида яшовчи студентлар билан ўқув иши институтнинг Тошкент шаҳридаги филиали ҳузурида олиб борилади.

Сиртқи институтни битирганлар стационар олий ўқув юртини битирган кишилар билан бир қаторда диплом оладилар.

Аризалар институт филиалида 1946 йил 1 сентябрьгача қабул қилинади. Адрес: Тошкент шаҳри, Сталин кўчаси, 51-нчи уй, СССР Госплани Вакилининг Статистика бошқармаси, кадрлар бўлими, телефон—36549.

Охунбобоев номидаги РЕСПУБЛИКА КЎР БОЛАЛАР МАКТАБИ

1946 йил 1 сентябрьгача тўлиқсиз ўрта мактабга ва мактабгача тарбия группасига

УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқучилар ётоқ, кийим ва овқат билан та'минланадилар.

Мактаб ҳузурида: тўқув, трикотаж, сават ишхоналари бор.

Ўқучиларга музика ма'лумоти ҳам берилади.

Кўр болалар мактабига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: 1) туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, 2) соғлиги ва ўқишга қобилиятли эканлиги тўғрисида врач справкаси, 3) ота-онасининг иш ўрнидан справка, 4) форма № 7.

Мактабнинг адреси: Тошкент шаҳри, Пиркент кўчаси, 12-нчи уй, Охунбобоев номидаги Республика кўр болалар мактаби. Телефон—31707.

ЎзССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИГА

марказий аппаратда ва жойларда ишлаш учун:

молиячи-экономистлар, старший бухгалтерлар, давлат даромадлари ва солиқлари инспекторлари, иш юритучилар, русча машинисткалар

КЕРАК

Тошкентда Жуковский кўчаси, 52-нчи уйда ЎзССР Молия министрлигининг кадрлар бошқармасига, шунингдек область молия бўлимларига мурожаат қилинсин.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек давлат опера ва балет театрининг дирекцияси, партия комитети, месткоми, комсомол комитети ва коллективи

Сталин мукофоти лауреати, ЎзССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоевага ва ЎзССР халқ артисти Бобораҳим Мирзаевга

ўғиллари

АЛИШЕРНИНГ

1946 йил 1 августда Москва шаҳрида вафот этганлиги муносабати билан чуқур та'зия билдирадилар.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8, РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: мас'ул муҳаррир ва унинг қабулхонаси — 36545, мас'ул муҳаррир ўринбосари — 32916, мас'ул секретарь —31638, мас'ул секретарь ўринбосари — 33468, партия бўлими —34780, совет қурилиши бўлими — 31226, кишлоқ хўжалиги бўлими — 33469, саноат бўлими — 31048, хатлар бўлими — 32347, Нашриёт директори — 34786
Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64,5 минг. Нашр № 48. Р.00925.